O'ZBEKISTON
BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№98 (751) 2023 йил 15 декабрь, жума
uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# АВТОМОБИЛСОЗЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 14 декабрь куни автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодийислоҳотлар натижасида бу саноат тармоқлари изчил модернизация қилинмоқда. Логистикадаги қийинчиликларга қарамасдан, сўнгги йилларда автомобиль ишлаб чиқариш 3 баробар кўпайиб, жорий йил якунида 415 минг донага етиши кутилмоқда. Соҳада давлат монополиясини йўқ қилиш ва рақобатни ривожлантириш мақсадида 3 та янги хусусий корхона ва нуфузли хорижий брендлар жалб этилди. Бугун юртимиздаги 8 та заводда ўнлаб турдаги автомобиллар, юк ва йўловчи ташиш транспортлари, қишлоқ хўжалиги ва махсус техникалар ишлаб чиқарилмоқда.

Шунингдек, бу соҳада 2 мингдан зиёд корхона яхлит кооперация тармоғига боғланди ва 50 фоиз маҳаллийлаштириш таъминланди.

Шу билан бирга, бозорда талаб ҳали ҳам юқори. Ҳам ташқи, ҳам ички бозорда автозаводлар ўртасида рақобат кучаймоқда. Энди "Ўзавтосаноат" акциядорлик жамияти ҳам маҳсулотлар моделини кенгайтириб, сифатини яхшилаш, таннархни камайтириб, рақобат муҳитида ишлашга ўтиши зарур.

Тақдимотда шу борадаги чора-тадбирлар, тармоқ олдидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Хусусан, мамлакатимизда енгил автомобиль ишлаб чиқаришни 2030 йилгача 1 миллион донага етказиш мақсад қилинган. Йиғилишда бу борада 2024 йилда амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинди.

Давлатимиз раҳбари "Ўзавтосаноат"ни трансформация қилишни жадаллаштириш, харажатларни камайтириш лозимлигини таъкидлади.

Маълумки, бугунги кунда жаҳондаги етакчи автозаводлар электромобил ишлаб чиқаришга ўтмоқда. Мамлакатимиз саноатчилари ҳам тезроқ бу йўналишни ўзлаштириб, замон талабига мослашмаса, келгусида бозорда ўрин топиши янада қийин бўлади.

Бу борада илк лойиҳалар бошланган. Келгуси йилда шундай завод ишга туширилиб, 10 мингта электромобил ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган.

Президентимиз бу йўналишга алоҳида эътибор қаратиш муҳимлигини таъкидлаб, тармоқ корхоналарида электромобиллар учун бутловчи қисмлар тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берди.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида бу йил 3 минг 500 донадан ортиқ техника ишлаб чиқарилган. 2030 йилгача бу миқдорни йилига 16 минг донага етказиш мўлжалланган.

Бу йил Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластери ташкил этилди. У йилига 15 минг дона трактор, тиркама ва бошқа техникалар ишлаб чиқариш қувватига эга. Лекин, уларни сотиш тизими замон талабларига мос келмаяпти.

Шу боис маҳаллий техника харидини қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, кластер ва фермерларни жалб этиб, бу борада буюртмалар шакллантириш зарурлиги таъкидланди ва қўшимча чоралар белгиланди. Миллий тракторни маҳаллийлаштириш даражасини 35 фоизга, осма техника ва тиркамаларни ўртача 60 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

**ЎзА**

# УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА БОШҚА ИЖТИМОИЙ ТАДБИРЛАРГА 151,5 ТРИЛЛИОН СЎМ ЙЎНАЛТИРИЛАДИ

**Н. АБДУРАИМОВА,** ЎзА мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси олдидан қўмиталар мажлислари бўлиб ўтди. Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг йиғилишида "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун муҳокама этилди.**

Мажлисда келгуси йилда Давлат бюджети даромадлари 270,4 триллион сўмни, харажатлари эса давлат мақсадли жамғармаларига трансфертларни инобатга олган ҳолда 312,9 триллион сўмни ташкил этиши қайд этилди.

Бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилгани сақлаб қолинади. Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, фан, маданият ҳамда спортни ривожлантириш, муҳтож аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва бошқа ижтимоий тадбирлар учун жами Давлат бюджети харажатларининг 50 фоизи ёки 151,5 триллион сўм йўналтирилади.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун билан тадбиркорларнинг судга шикоят қилиш имкониятлари кенгайтирилиши кутилмоқда.

Шунингдек, мажлисда Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган "Йўл харитаси" ижроси муҳокама қилинди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш режаси сифатли бажарилишини таъминлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредит маблағларидан самарали фойдаланилишига эришиш борасида ҳудудларда ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди.

Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси мажлисида ҳам юқорида қайд этилган қонунлар дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Аграр соҳага ажратилаётган бюджет маблағлари сарфланиши юзасидан аниқ ҳисоб-китоблар қилингани бўйича масъул вазирлик ва идоралар вакилларининг маърузалари тингланди.

Мажлисда яйловлар деградациясининг озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда атроф муҳитга салбий таъсири юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровини юбориш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

4,2 миллион гектар яйловда геоботаник тадқиқотлар ўтказилиб, деградацияга учраган майдонларнинг хариталари тайёрланган ҳамда 420 минг гектар деградацияга учраган яйловларни қайта тиклаш ва яхшилаш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб масалалар ҳақида ҳам сўз борди.

Бундан ташқари, ҳудудларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳамда ирригация-мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолатини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Сирдарё вилоятининг Сайхунобод, Гулистон ва Боёвут туманларида айрим ирригация объектларидаги гидротехник иншоотларни автоматлаштириш ишлари бажарилмагани ҳамда "Ақлли сув" қурилмалари тўлиқ ўрнатилмагани таъкидлаб ўтилди.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ АМАЛДА

# ЯНГИ АНДИЖОН ҚУРИЛИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



**Андижон – мамлакатимиздаги ҳудуди жиҳатидан энг кичик, аҳолиси эса энг зич яшайдиган вилоят ҳисобланади. Вилоят республика ҳудудининг 1 фоизини, аҳолиси эса қарийб 10 фоизини ташкил этади. Шу боис ҳам ҳар бир қарич майдондан унумли ва оқилона фойдаланиш талаб этилади.**

Президентимиз Андижон вилоятига 2022 йилдаги ташрифи чоғида ана шу жиҳатни ҳисобга олиб, экин майдонларини камайтирмаслик мақсадида адир зоналарида кўп қаватли уйлар қуриш ва шу орқали тобора ўсиб бораётган аҳолини арзон, замонавий уй-жойлар билан таъминлаш муҳимлигини таъкидлаган эди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари жорий йилнинг февраль ойида вилоятга ташрифи чоғида аҳоли вакиллари билан учрашганда ҳам янги уйлар қурилишини кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берган эди. Ана шундан келиб чиқиб вилоятда уй-жойлар қуриш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Андижон тумани адирликларида 450 минг киши учун Янги Андижон шаҳри барпо этилмоқда. Умумий майдони 4 минг гектарни ташкил этадиган шаҳарнинг 1 минг 144 гектар майдонида 40 минг хонадондан иборат 5 мингта кўп қаватли турар жойлар қад ростлайди. Шунингдек, 215 гектар майдонда савдо, 240 гектарда хизмат кўрсатиш, 76 гектарда саноат, 1 минг 942 гектар майдонда яшил ҳудудлар ташкил этилади. Бундан ташқари, 364 гектар майдон йўллар ва бошқа инфраструктура объектларидан иборат бўлади. "Янги Андижон" лойиҳаси бир неча босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда 5, 7 ва 9 қаватли 192 та кўп квартирали уй, 1 минг 680 ўринли умумтаълим мактаби, 420 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 250 қатновли поликлиника, трикотаж корхонаси, ипотека маркази, 3 минг квадрат метр майдонда савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши белгиланган.

Жорий йилда Янги Андижон шаҳрида 2 минг 152 та хонадонли 80 та кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган. Айни кунга қадар 975 хонадонли 40 та уй фойдаланишга топширилган бўлса, яна 40 та уйда қурилиш ишлари якунига етказилмоқда. Бундан ташқари, умумтаълим мактаби, мактабгача таълим ташкилоти, поликлиника, ипотека маркази, қатор савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши якунига етказилган. "Best Invest" масъулияти чекланган жамияти томонидан Янги Андижон шаҳри ҳудудида 2 минг иш ўрнига эга трикотаж фабрикаси ишга туширилди. Умумий қиймати 112,6 миллиард сўм бўлган лойиҳа доирасида 1-босқичда Янги Андижон шаҳрининг ички йўлларини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Жорий йилда 40,3 миллиард сўм миқдоридаги қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Ҳозирда 2 километр узунликда йўл қурилиши якунланди. Ҳудудда умумий қиймати 14,1 миллиард сўмга тенг лойиҳа доирасида сиғими 4 минг метр-куб бўлган сув сақлаш иншоотининг қурилиш-монтаж ишлари 90 фоизга бажарилди, деб ёзади ЎзА мухбири Фахриддин Убайдуллаев.

Бундан ташқари, оқова сув тозалаш иншооти, марказий ҳамда ички оқова сув тармоқлари қурилиши бўйича ҳам зарур ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳудудни электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш, ирригация тизимини қуриш, яшил майдонлар барпо этиш борасидаги ишлар ҳам режа асосида олиб борилмоқда. "Янги Андижон" лойиҳаси вилоят аҳолисининг уй-жойга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондиришга хизмат қиладиган муҳим лойиҳалардан биридир.







ЎзА фотомухбири Зуҳриддин УМУРЗОҚОВ олган суратлар.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№98 (751) 2023 йил 15 декабрь

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

## Кўп қаватли уй-жойларда мавсум қандай ўтмоқда?

**АОКАда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан "Кўп қаватли уй-жойларда иссиқлик таъминотини янада яхшилаш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича амалга оширилган ишлар" мавзусида брифинг ўтказилди. Унда вазирлик бошқарма бошлиғи Обиджон Мўминов иштирок этиб, юртимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берди.**

Таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 12 сентябрдаги 581-Ф/49-сонли фармойишига асосан, Республика иқтисодиёт тармоқлари, саноат корхоналари, хизмат кўрсатиш объектлари, кўп квартирали турар жой фонди ва ижтимоий соҳани 2023/2024 йиллар куз-қиш даврида энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш мақсадида Республика ишчи гуруҳлари таркиби тасдиқланган. Айни пайтда Республика ишчи гуруҳи томонидан 2023/2024 йиллар куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари, аҳоли ва кўп квартирали уй-жой фондининг энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжини узлуксиз таъминлаб бериш бўйича кунлик ишлар мониторинги олиб борилиб, йўл қўйилган камчиликларни тезкор бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

2023/2024 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида республикадаги 5 593 та кўп квартирали уйни таъмирлаш режалаштирилган эди. Бугунги кунда 5 615 та таъмирталаб кўп қаватли уйлар ҳолати яхшиланди. Бунда уйларнинг том қисми, кириш йўлаклари, электр тақсимловчи шитлар, ертўла қисмидаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари таъмирланди ҳамда кодли қулфли темир эшиклар ва фрамуга ойна ромлар ўрнатилди. 4 855 та кўп қаватли уйдаги кириш йўлакларига ҳаракат датчикли лампалар ўрнатилиши натижасида бир суткада 73,5 минг кВт соат электр энергияси иқтисод қилишга эришилмоқда.

Шунингдек, Тошкент шаҳар туманларига бириктирилган вазирликнинг ишчи гуруҳлари жойларга чиққан ҳолда, кўп квартирали уйларни 2023-2024 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлигини кўздан кечириб, мавжуд муаммолар ўша жойни ўзида бартараф этишмоқда. Тошкент шаҳридаги 12 та туманида 585 та маҳалла, 173 707 та якка тартибдаги хонадон, 11 077 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларда 3 млн нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ишчи гуруҳ томонидан Тошкент шаҳрининг барча туманларида кичик ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа ва бошқа объектлар ҳолати "маҳаллабай" ўрганилди. Аниқланган муаммоли масалалар бартараф этилди. Қолаверса, туманларда 2023-2024 йиллар кўп қаватли уй-жой фондида куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш учун зарур материал захиралари ҳам шакллантирилди.

## Вазирлик мутасаддилари – Чирчиқда

**Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида кўп квартирали уйларни марказлашган иссиқлик билан таъминлаш ишлари якуний босқичда амалга оширилмоқда. Хабар бериб келаётганимиздек, соҳадаги ислоҳотлар натижасида Чирчиқ шаҳридаги 200 яқин кўп квартирали уй иссиқлик энергияси билан таъминланмоқда. Бу эса бевосита аҳолининг узоқ йиллар давомида қийнаб келаётган муаммонинг олдини олишга хизмат қиляпти.**





Айни жараён Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятов, вазир ўринбосари Озода Жўраева ҳамда бошқа мутасаддилар томонидан тўлиқ назоратга олинган. Соҳа масъуллари маҳаллаларда бўлиб, иш сифатини ўрганмоқдалар. Бугун ҳам мутасаддилар Чирчиқ шаҳри 3-кичик туман Камалак маҳалласида бўлдилар. Мазкур туманда жами 68 та кўп квартирали уй мавжуд бўлиб, ҳозирда 30 тасида иссиқлик тўлиқ таъминланган. Қолган уйларда муҳандислик тармоқларининг ишлаш жараёни синовдан ўтказилмоқда. Тез фурсатларда ушбу уйларда истиқомат қилувчи аҳоли ҳам иссиқлик билан таъминланади.

Шерзод Ҳидоятов таъкидлаганидек, халқаро инвестиция маблағлари жалб қилинадиган мазкур салмоқли лойиҳа тоғли ҳудудларга яқин жойлашган Чирчиқ шаҳри аҳолиси учун манфаатли бўлиши шарт. Бунда ҳар бир жараён иштирокчиси чуқур масъулиятни ҳис қилиши, ўз вазифасини сифат даражасида бажариши керак.

– Бу йирик лойиҳа узоқ йил аҳолига хизмат қилишини инобатга олган ҳолда ундаги ҳар бир жиҳатга, маҳсулотнинг сифатидан тортиб, монтаж ишларидаги профессионалликка эътибор қаратиш лозим. Токи йиллар давомида иссиқлик таъминотисиз қийналган халқимиз ўз уйида қулай ва хавфсиз яшасин, – деди вазирнинг биринчи ўринбосари.

Шунингдек, масъуллар аҳоли вакиллари билан ҳам суҳбатлашиб, тизимни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳияти, марказий иссиқлик таъминотининг афзаллиги, ундан фойдаланишда эътибор бериш лозим бўлган жиҳатлар тушунтирилди.

## Самарали ҳамкорлик

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий тадқиқот институти ҳамда Хитой давлатининг Wuhan технология университети раҳбарияти иштирокида учрашув бўлиб ўтди.**

Унда институт ходимларини қисқа ва узоқ муддатли ўқишга юбориш ва бу орқали норма ҳамда стандартларни такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ишларини ҳамкорликда амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда шунингдек, истиқболдаги вазифалар юзасидан ўзаро фикр алмашилиб, ҳамкорлик масалаларига доир бир қанча йўналишлар бўйича ўзаро келишувларга эришилди.

## Вазият доимий назоратда

**Кўп квартирали уйлар атрофини қор ва музламалардан тозалаш ишлари ўрганилмоқда.**

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятов ҳамда вазир ўринбосари Озода Жўраева ҳудудларда бўлиб, бошқарув ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишларни ўрганмоқда. Шунингдек, мутасаддилар кўп қаватли уйлардаги иссиқлик таъминоти сифатини ҳам кўздан кечиришяпти.

Изғирин қиш мавсумида энг аввало, аҳолининг хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор бериш лозимлигига урғу берилмоқда. Ҳар бир туманга бириктирилган масъулларга иш самарадорлигини таъминлаш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

# СУВ ТЕКИН ЭМАС!

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Халқимизда "сув текин" деган ибора бор. Одатда бу иборани нархи арзон нарсага нисбатан ишлатамиз. Аммо афсуски, бугунги кунда сув текин эмас, унинг ҳам ўзига яраша қадр-қиймати мавжуд. Уни исроф қилганларга эса тегишли тартибда жавобгарлик белгиланган...**



Эндиликда ичимлик суви тармоқларига ноқонуний, манфаат топиш мақсадида уланиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Хусусан, фуқаролик қонунчилигига асосан ичимлик суви тармоғига зарар етказишдан келиб чиқадиган бир қатор мажбуриятлар белгиланган. Хусусан, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги етказилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида"ги Қонуннинг 52-моддасига асосан қопланади. Мазкур модданинг иккинчи қисмига кўра, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларидан фойдаланиш қоидаларига жисмоний ва юридик шахслар томонидан риоя этмаганлик, шу жумладан, ушбу тармоқларга, иншоотларга шикаст етказганлик, таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширишга монелик қилганлик, сув объектларини ифлослантирганлик оқибатида етказилган зарарнинг ўрни айбдор шахслар томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Ичимлик суви таъминоти соҳасида жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг "Ўзгалар мулкини ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 1999 йил 30 апрелдаги 6-сон қарорининг 1-бандига кўра, жабрланувчи ёки бошқаларнинг йўқлигида ёки улар бор бўлсада, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкини яширин талон-торож қилиш ўғрилик ҳисобланади. Бордию, жабрланувчи ёки бошқалар мол-мулкининг олинаётганлигини кўрган бўлсада, лекин айбдор билдирмасдан ҳаракат қиляпман деб ўйласа, бундай қилмишни ҳам ўғрилик деб тавсифлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси иккинчи қисмининг "д" ва "е" бандларига асосан ўғрилик:

д) умумий фойдаланишдаги водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд совуқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан, уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш йўли билан;

е) умумий фойдаланишдаги водопровод тармоқларига сув таъминоти ташкилотларининг мансабдор шахслари ёки ходимлари томонидан олдиндан тил бириктириб, тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд совуқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан, уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш йўли билан содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бугунги кунга қадар иккита ҳолатда, фуқароларга нисбатан айни йўналишда жиноий иш очилиб, 3 ва 1 йилгача озодликдан маҳрум қилиш чоралари кўрилди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ичимлик суви тармоқларига ноқонуний ва манфаат топиш мақсадида уланиш эндиликда жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Шундай экан, ичимлик сувидан ноўрин фойдаланиш, ноқонуний уланиш, уни беҳудаги исроф қилиш нафақат бебаҳо ресурсга нисбатан ҳурматсизлик, балки мамлакатнинг сув сиёсатига нисбатан хиёнатдир.

## Керакли шароит яратилмоқда



**Ҳамза ШУКУРОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Самарқанд шаҳрида кўп қаватли уйлар сони йилдан йилга кўпаймоқда. Қурувчиларнинг меҳнати туфайли улар қаторига янгилари қўшиляпти. Бундай уй-жойларнинг янгилиги ёки аввалдан бунёд этилганидан қатъи назар, уларнинг ҳар бирида аҳолининг муносиб турмуш кечириши учун керакли шароитлар яратилмоқда.**

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш ишлари эса профессионал бошқарув компаниялари томонидан амалга оширилмоқда.

– Ҳукуматимиз томонидан кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолига кўрсатилаётган хизмат даражасини юқори босқичга кўтариш, аҳолига етарли қулайликларни яратиб беришга доимий эътибор қаратилмоқда, – деди шаҳардаги "Олтин аср" профессионал бошқарув ташкилоти раиси Хайринисо Шатанова. – Жамоамиз тасарруфидаги "Самарқанд умидли ҳамкор" шўъба корхонаси юздан ортиқ кўп қаватли уйлар аҳолисига хизмат кўрсатади. Аниқроғи, ҳудудда 180 та кўп қаватли уй, 3 та мактаб, 5 та МТТ, 3 та поликлиника, 10 та кўча мавжуд. Ишчиларимиз 12 та участкага бўлинган. Улар сафида 12 нафар уста бор. Ишчи-хизматчилар эса 92 нафарни ташкил этади.

Хайринисо Шатанованинг айтишича, бу йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида Навоий шоҳ кўчаси, Шота Руставели, Беруний, Рудакий кўчаларидаги бир нечта кўп қаватли уйларнинг йўлаклари, фасад ва том қисми мукаммал таъмирланган.

## Бухорода газ тўлдириш шохобчалари шай ҳолатда







**Моҳигул АБДУЛЛАЕВА,** "Ҳудудгаз Бухоро" газ таъминоти филиали матбуот котиби.

**Ҳозирги вақтда Бухоро вилоятида 166 мингдан ортиқ аҳоли ва 315 та ижтимоий объект суюлтирилган газ билан таъминланмоқда.**

Таъкидлаш лозимки, 315 та маҳаллага газ баллонлари 35 кунга бормай етказиб беряпти. Қиш мавсумида газ баллонларини ўз вақтида етказиб бериш мақсадида тайёргарлик жараёнлари кучайтирилди. Жумладан, 14 963,2 тонна суюлтирилган газ етказиб берилиши режалаштирилган. Қўшимча 300 тонна суюлтирилган газ фонди ажратилиб, ўтган октябрь ва ноябрь ойларида 3 минг тонна суюлтирилган газ етказиб берилди. Бугунга келиб эса филиал марказий омборида 500 донадан ортиқ маиший газ баллонлари захираси мавжуд.

Совуқ кунларда истеъмолчилар ўз вақтида суюлтирилган газ билан таъминланиши учун газ тўлдириш шохобчалари ҳам шай ҳолатга келтирилди. Шунингдек, газ таъминоти филиали тасарруфидаги Вобкент, Ромитан ва Қоракўл туманларида жойлашган шохобчаларда маиший газ баллонлари тўлдирилади. Белгиланган режага мувофиқ, назорат тарозилари, манометрлар кўрикдан ўтказилиб, техник жиҳозлар шай ҳолатга келтирилди.

– Мақсадимиз истеъмолчиларга ўз вақтида газни етказиб бериш экан, бу бўйича газ тўлдириш шохобчаларимизда йил – ўн икки ой фаолият олиб борилади, – деди газ таъминоти филиали бўлим бошлиғи Азиз Расулов. – Барча техник воситалар кўрикдан ўтказилди, тўловлар эса онлайн тарзда амалга оширилмоқда.

Газ тўлдириш шохобчаларида бугунги кунда 17 та сиғим мавжуд бўлиб, бу 114 тонна суюлтирилган газ сақлаш қувватини ташкил этади. Шу билан бирга, бевосита 42 та ИСУЗУ ва 1 та МАН русумли махсус автотранспорт воситаси орқали маиший газ баллонлари истеъмолчиларга етказиб берилади. Бир ой давомида эса 18 та газ қуйиш колонкалари орқали 1 300 тонна газ тарқатиш имкониятига эга.

# Чинозликларнинг фахрига айланаётган корхона

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ**, "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қурилиш ва бунёдкорлик орқали эл-юртга наф келтиришни ҳар ким ҳам уддалай олмайди. Пойтахт вилоятининг Чиноз туманида бир қанча қурилиш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари билан фуқароларнинг ишончини оқлаётганлар ҳам жуда кўп. Улардан бири, анча йиллардан буён ҳудудда фаолият кўрсатаётиб келаётган 33-сонли хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна жамоасидир.**



Ўтган йиллар давомида мазкур корхона аъзоларининг меҳнатлари туфайли бешта мактабда қўшимча синфхоналар қурилди, ўндан ортиқ маҳаллада ободонлаштириш ишлари бажарилиб, марказий ва ички кўчаларга асфальт ётқизилди. Туман маркази ва тўртта маҳаллада кўп қаватли уй-жойлар, спорт мактаби, болалар боғчалари, шунингдек, Оққўрғон, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ туманларида турар жойлар барпо этилди.

"Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" корхона ишчи-ходимлари учун янада самарали бўлди. Йил бошида "Соҳибкор", "Тиллатопган" ва "Аҳиллик" маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси учун ичимлик суви тармоғини тортиш лойиҳаси юзасидан ҳаракат бошланганди. Бу масалада қурилиш материалларини етказиб берадиган корхоналар билан истиқболли шартнома тузилгани туфайли умумий қиймати 9 млрд сўмга яқин бунёдкорлик ишлари муддатидан аввал сифатли бажарилди. Шунингдек, аҳил жамоа саъй-ҳаракатлари билан 17, 26 ва 40-умумтаълим мактаблари тўлиқ реконструкция қилиниб, тумандаги 30 дан ортиқ кўп қаватли уйнинг том қисми янгиланди. Атрофдаги кўчалар тартибга келтирилди. Шулар баробарида, кўп қаватли турар жойлар, соғлиқни сақлаш объектлари ҳамда бир қатор мактаблардаги муддатини ўтаб бўлган 90 та қозонхона таъмирдан чиқарилди.

"Эшонобод" МФЙда қурилаётган умумфойдаланишга мослаштирилган ҳаммом эса айтиш жоизки, жамоа учун алоҳида бир синов бўлди. Боиси, Давлатимиз раҳбари жорий йил бошида вилоятга ташрифи чоғида мазкур туманда бўлиб, ҳудуддаги бунёдкорлик ишлари билан танишиш жараёнида одамларнинг муаммоларига алоҳида эътибор қаратаркан, маҳаллалар, ҳаттоки, туман марказида ҳам саломатликни мустаҳкамлашда катта ҳисса қўшадиган бирорта умумфойдаланувчи ҳаммом йўқлиги, бу эса ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётганини таъкидлаганди. Шу боис, тажриба тариқасида мазкур маҳаллада 2024 йилнинг охиригача замонавий ҳаммом қуриб битказиш ва у яхши натижа берса, республикада оммалаштириш зарурлиги юзасидан тегишли мутасаддиларга топшириқ берганди. Айни кунларда топшириқ бўйича "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида бирламчи ишлар бошлаб юборилган.

Корхона томонидан шунингдек, Гулзоробод маҳалласида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва турар жойга муҳтож кишилар учун беш қаватли, 40 хонадонга мўлжалланган бино қурилиши бошланганига унча кўп бўлгани йўқ. Ҳозирда бинонинг ертўла қисми ва биринчи қаватида бунёдкорлик ишлари жадал боряпти. Турар жой келгуси йили, Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. Ишчиларнинг фикрича, ушбу объект ҳам бошқалари сингари муддатидан олдин сифатли қилиб битказилади. Бунинг учун барча имкониятлар етарли.

Ҳар қандай ишга, айниқса, қурилиш жараёнига сидқидилдан киришилса, нафақат сифат юксалади, балки турдош корхона ва буюртмачилар орасида ҳам эътиборга тушаверади. 33-механизациялашган кўчма корхона жамоаси қураётган турли кўринишдаги объектлар ҳар жиҳатдан талаб даражасида экани билан қўшни тумандагиларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўзида Янгийўл туманидаги "Миришкор" МФЙда 150 ўринли болалар боғчасини бунёд этиш, Оққўрғон туманининг "Бирлик" МФЙ аҳолиси учун 8 километр масофага ичимлик суви тармоғини тортиш ишлари айни пайтда жадаллик билан давом этмоқда.

Айтиш жоизки, корхонада ишларнинг жадал ҳамда сифатли бажарилиши негизида энг аввало, замонавий техникалар кучидан самарали фойдаланаётганлик, жамоада тартиб-интизом мустаҳкамлиги, устоз-шогирд анъаналарига қатъий амал қилинаётгани ва моддий манфаатдорлик мужассам.

– Ишчи-ходимларнинг меҳнати туфайли жорий йилги умумий даромадимиз 30 млрд сўмга етиши мўлжалланмоқда, – деди корхона прораби Қаҳрамон Ўталов. – Унинг асосий қисми сарф-харажатларга йўналтирилса, бир қисмини янги техникалар сотиб олиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшимча цехлар қуриш, қолганини эса ишчиларни моддий рағбатлантиришга йўналтириш режа қилинган.

Маълумот учун айтиш керакки, ҳозирги кунда корхонада 110 нафар доимий ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Уларга меҳнат дафтарчалари юритилади, таътилларда ихтиёрига қараб сиҳатгоҳларга йўлланма ажратилади. Шулар баробарида олти нафар ишчининг фарзандлари ўқиётган турли олий ўқув юртлари билан тузилган шартномага кўра, ўқиш даврида амалиёт ўташ, институтни битиргандан сўнг иш билан таъминлаш ҳамда контракт пулларини тўлаб беришни ҳам корхона ўз зиммасига олган.

33-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннанинг таъсисчиси Аҳмадали Худойберганов ишчи-ходимларнинг устозидир. Корхонада бир неча йиллардан буён меҳнат қилаётган Ғанишер Турсунов, Шерали Иброҳимов, Раҳмат Исматуллаев, Икром Асқаров, Раҳим Маҳкамов кабилар ана шу инсондан ҳунар ўрганиб, қурувчи деган шарафли касбни эгаллаганидан, бугун эса ўзлари ҳам ёшларга устоз эканлигидан миннатдор.

# Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш такомиллашади

**Машраб ЖАББОРОВ,**
Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси катта инспектори.

**Жорий йилнинг 10 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Мазкур фармонга биноан, "Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси" акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил қилинади. Компания томонидан 2024 йил 1 мартдан тадбиркорларга қуйидаги қўллаб-қувватлаш чоралари тақдим этилади.**

Хусусан, ўрта тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш лойиҳаларига:

– лойиҳа қийматининг 15 фоизи, бироқ устав капиталининг 20 фоизи ёки 3 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда ташаббускорнинг устав капиталига кўчмас мулк объектлари, асбоб-ускуналар ва бошқа кўринишдаги активлар шаклида улуш киритиш;

– кўчмас мулк ва асбоб-ускуналарнинг 70 фоизи, бироқ 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда мулк сотиб олиш ва етти йилгача муддатга қарздорлик қолдиғига Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада йиллик фоиз ҳисоблаш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан хизматлар ипотекаси асосида ташаббускорга бериш белгиланган.

Шунингдек, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларига кредит (лизинг) ажратиш учун тижорат банклари, микромолия ва лизинг ташкилотларига миллий ва хорижий валютада молиявий ресурсларни жойлаштириш, тижорат банклари, микромолия ва лизинг ташкилотлари томонидан миллий ва хорижий валютада ажратиладиган кредит, лизинг, банк кафолати ва аккредитивларга умумий қиймати 5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафиллик тақдим этиш, компания маблағларидан фойдаланиш бўйича тижорат банклари билан тузиладиган воситачилик шартномаларига асосан белгиланган лимит ҳамда умумий миқдор ва шартлар доирасида кредитлар бўйича кафиллик (портфель кафиллиги) тақдим этиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, 2024-2026 йилларда кичик тадбиркорлик субъектларига Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ва асосий ставканинг 1,75 бараваридан ошмаган ставкада миллий валютада 5 миллиард сўмгача ажратиладиган кредитлар бўйича асосий ставканинг 40 фоизигача миқдорда уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга компенсация тақдим этиш белгиланган.

# Зафарободдаги ўзгаришлар аҳолига хуш кайфият бағишлаяпти

**Фозилжон ҚОСИМОВ**, "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бундан 31 йил муқаддам ташкил этилган Зафаробод туманидаги "Самарқанд" МФЙ 90 кун давом этган ободонлаштириш ишлари натижасида ўзгача қиёфага кирди. Жумладан, 524 млн сўмга яқин маблағ эвазига бунёд этилган маҳалла маркази биносида барча шароитлар яратилди. Шунингдек, 3 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қиладиган маҳаллада ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш ва аҳоли бандлигини таъмилаш мақсадида бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда.**

– Бугун биз учун қувончли кун, – деди маҳалла раиси Ўткир Нoралиев. – Юртбошимизнинг ташаббуси билан жорий этилаётган "Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла" дастури асосида маҳалламиз замонавий тусга кирди. Ўтган давр мобайнида туман ҳокимлиги ва ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда ҳудуддаги 524 та хонадонда ўрганиш ишлари ўтказилди. "Обод хонадон" мезонларини жорий этиш йўналишида 3 та уй-жойи таъмирга муҳтож ва ўта оғир шароитда яшаётган фуқароларнинг турар жойлари жорий ва капитал таъмирлаб берилди. 20 та хонадоннинг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди, 10 та хонадонга кўмир етказиб берилди. "Обод кўча" мезонларини жорий этиш йўналишида маҳаллалардаги 3 километр йўлга шағал, 2,0 километр йўлга бетон ётқизилиб, пиёдалар йўлаги барпо этилди. Ёритиш мосламалари ўрнатилиб, янги трансформатор олиб келинди, эски симёғоч устунлар бетонига алмаштирилди. Шунингдек, газ тақсимлаш пункти, газ тармоғи таъмирланди, суюлтирилган газ баллонлари етказиб берилди. 8 та хонадоннинг том қисми, 39 тасининг ташқи деворлари замонавий кўринишга келтирилди.

Маҳалла биносининг очилиш маросимида сўзга чиққан туман масъуллари ҳамда меҳмонлар ҳудудда олиб борилган бунёдкорлик ишларини алоҳида эътироф этган ҳолда, жараёнда фаол қатнашганларга миннатдорчилик билдирдилар.

– "Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла" мезонларини жорий этиш, аҳолининг ушбу жараёнларга дахлдорлик ҳисси ҳамда кайфиятини яна ошириш, уларда ўзаро аҳиллик ва шукроналик туйғуларини мустаҳкамлаш мақсадида оқсоқол ва нуронийлардан иборат жамоамиз бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишди, – деди "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони соҳиби Боliқул Ҳайдаров. – Бунинг меваси сифатида маҳаллага янги ва замонавий маъмурий бино, ёшлар учун сунъий қопламали янги спорт майдончаси ҳамда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 1,7 километр ички йўлларга бетон қопламалар ётқизилди, иккита кўприк фойдаланишга топширилди.

Шу куни "Обод кўча" мезонларини жорий этиш йўналишида маҳалла ҳудудидаги янгидан бетонлаштирилган 600 метр масофага эга Бодомзор кўчасининг ҳам очилиш маросими бўлиб ўтди.

Қувонарлиси, хуш кайфият тумандаги ҳар бир хонадонга кириб борди. Жумладан, ота-она қарамоғидан эрта маҳрум бўлган Нозима Юнусовага Узун маҳалласида жойлашган кўп қаватли уйлардан бир хонали уй жиҳозлари билан биргаликда совға қилинди. Давлатимиз раҳбарининг эътибори ва кўмагида ўз уйига эга бўлган Нозиманинг ҳам бу меҳрдан кўнгли қувончга тўлди.

# Яшаётган уйимиз сифатга жавоб берадими?

**Сарвар БОБОНАЗАРОВ**, Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси матбуот хизмати раҳбари.



Жорий йил бошида Туркияда юз берган зилзила кўплаб вайронгарчиликларга сабаб бўлганидан хабарингиз бор. Ушбу ҳодисадан кейин яшаётган уй-жойимиз бақувватмикан, зилзилага чидамлимикан, белгиланган сифат талабларига жавоб берармикан, деган саволлар кўпчилигимизни ўйлантириб қўйганди.

Аммо афсуски, кўп қаватли уйларни сифатига путур етказаётганлар ҳам орамизда учраб турибди. Хусусан, Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан аҳоли мурожаатларига асосан шунга ўхшаган ҳолат Самарқанд шаҳар Сўғдиёна маскани "Нодирабегим" маҳалласидаги 76-кўп қаватли уйнинг хонадонларидан бирида аниқланди. Маълум бўлишича, мулкдор томонидан уй-жойда ўзбошимчалик билан ҳеч қандай рухсатсиз, шаҳарсозлик норма ва қоидаларига зид равишда хонадоннинг ички таянч тўсиқ деворларига зарар етказилган.

Шунингдек, Пастдарғом туманида ўтказилган ўрганишлар давомида "Пўлатчи" маҳалласидаги 54-кўп қаватли уйнинг ертўла таянч деворига фуқаро томонидан ўзгартириш киритилиб, эшик очилганлиги аниқланди.

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан ҳудудий инспекция ходимлари томонидан ҳуқуқбузарларга бажарилиши шарт бўлган мажбурий кўрсатмалар берилиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 159-моддасига асосан маъмурий жарима қўлланилди. Ҳуқуқбузарларга мажбурий кўрсатмада берилган вақт ичида ҳолатни ўз ихтиёри билан бартараф қилиб, олдинги ҳолатига қайтармаса, фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси киритилиши тушунтирилди.

# Нурота тумани вилоятнинг энг сўлим маскани бўлади

**Саноат соҳаси орқали республикамиз иқтисодиёти барқарор ўсишини таъминлашда ўз ўрнига эга бўлган Навоий вилояти ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларда яшовчилар учун ҳар томонлама қулайликлар яратиш бўйича ҳам бошқаларга ибрат кўрсатяпти.**



Шу мақсадда жорий йил бошидан "Йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, бунинг учун зарур маблағ ажратилган эди. Натижада Зарафшон, Навбаҳор, Кармана, Конимех, Учқудуқ ҳамда марказдан олисда жойлашган бошқа туманлар кесимида бир қанча ишлаб чиқариш корхоналари ва турар жойлар қурилди. Қаровсиз ҳолдаги йўллар, ички кўчалар тартибга келтирилгани ҳар қандай кишининг ҳавасини орттиради ва ҳаётдан рози бўлиб яшашга ундайди. Шунинг ҳисобига энг чекка қишлоқлар, овуллар ҳам кун сайин кўркам қиёфага кириб, муҳими, ишсизлик муаммоси ва аҳолининг камбағаллик даражаси аввалги йилларга қараганда бир неча фоизга камайгани эътиборга лойиқдир.

Бу каби саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми сифатида қурилишбоп материаллар ишлаб чиқаришга мос ва туризм салоҳияти катта бўлган Нурота туманида ҳам кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилган. Дастлабки жараёнда туманнинг маъмурий марказида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Асосий кўчалар ортиқча қурилмалардан халос этилиб, марказлашган сув тармоғи тортилди. Ўз муддатини ўтаб бўлган трансформатор ва электр ўтказгичлар янгисига алмаштирилди. Энди йўловчилар ва автомобиль эгалари аввалгидек ўнқир-чўнқир кўчалардан эмас, тунда ҳам кундузгидек чароғон ва асфальт кўчалардан юришяпти. Шундай шароитларни яратиб берган ҳукуматимиздан миннатдор бўлишмоқда.

Қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам шу каби ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Хусусан, Ғафур Ғулом номидаги маҳаллада тасдиқланган режа бўйича вилоят мутасаддиларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, ҳудуддаги 4 та кўчада жойлашган 500 дан ортиқ хонадондаги ҳолат ўрганилди. Шундан сўнг, бажарилиши лозим бўлган тадбирлар учун 4 млрд сўм маблағ ажратилиши, унинг 1 млрд сўмини республика, 3 млрд сўмини эса маҳаллий бюджетдан ажратиш белгиланди. Бу ишларга киришилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Маҳалладаги бу каби қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ҳудудда истиқомат қилаётганлар шуурида эртанги кунимиз бунданда фаровон бўлишига ишонч уйғотмоқда.

Ободонлаштириш ва қурилиш ишларига 20 дан ортиқ турли хилдаги қудратли техника жалб этилгани белгиланган ишларни маромига етказиш имконини оширмоқда. Мутахассислар Нурота туманини энг тоза ичимлик сувига бой эканини таъкидлашади. Бироқ салкам қулоқ бошида турган Ғафур Ғулом маҳалласи ҳам ичимлик суви муаммосидан йиллар давомида қутилолмаганди. Сиғими 250 куб метр марказлашган сув сақлаш иншоотининг қурилаётгани туфайли энди бу муаммо барҳам топади. Шунингдек, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт турлари билан шуғулланиши учун "Street workout" майдонлари ҳам барпо этиляпти.

Булардан ташқари, маҳаллада вақтинчалик ишсиз мақомини олган фуқароларнинг бандлигини таъминлашга ҳам жиддий киришилган. Жараёнда бир неча нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилиб, 40 нафари ўзини ўзи банд қилган бўлса, 35 нафари эса тадбиркорлик фаолиятини бошлади. 29 нафарига 271 миллион сўмлик асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари субсидия асосида олиб берилди. 3 нафарининг бизнес-режаси ўрганиб чиқилгач, 91 миллион сўм банк кредити ажратилди. Айни пайтда маҳалла фуқаролар йиғини учун замонавий бино ҳам қад ростламоқда. Йил охиригача мазкур иншоотлар фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, Нурота туманида бўлаётган туб ўзгаришлар нафақат аҳоли фаровонлигини таъминлашга, балки ишлаб чиқариш ва сайёҳлик салоҳияти жиҳатидан ҳам юртимиз иқтисодини янада мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшишига шубҳа йўқ.

**Ўз мухбиримиз.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№98 (751) 2023 йил 15 декабрь

◀ ДАВОМИ БОШИ ГАЗЕТАНИНГ 2023 ЙИЛ 28 НОЯБРДАГИ № 96 (749) СОНИДА.

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2022 йил 15 июндаги 109-сон буйруғига
ИЛОВА

# ШНҚ 2.05.03-22 “КЎПРИКЛАР ВА ҚУВУРЛАР” ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

15. Кўприк кечувларида сув оқимларини йўналтириб туриш ва ювиб кетиш хавфидан сақлаш зарурати бўлганида, оқимни йўналтирувчи ва қирғоқларни маҳкамловчи иншоотлар қуришни режалаштириш зарур.

Оқимни йўналтирувчи иншоотни дарё ўзанининг сув миқдори умумий ҳисобий сув миқдорининг 15 фоизидан кам бўлмаган ҳолда ёки кўприк тагидаги сув оқимининг ўртача ҳисобий тезлиги 1 m/s дан катта бўлганида лойиҳа ҳужжатларида режалаштириш лозим.

Қувурлар ва кичик кўприкларнинг (25 mгача) сув кирадиган ва чиқадиган томонлари гидравлик ҳисоблашларга асосан сувнинг тезлигини камайтирувчи тўсиқлар билан лойиҳалаш лозим.

16. Қувурлар туйнуги (эни ва баландлиги) ўлчамларини қуйидаги ўлчамлардан кам бўлмаган миқдорда белгилаш керак:

қувурларни узунлиги (ёки қараш қудуқларининг орасидаги масофа) 20 m гача бўлганида – 1,0 m дан;

қувурларнинг узунлиги 20 m ва ундан катта бўлганида - 1,25 m дан.

Автомобиль йўли II тоифадан паст бўлганида, қувурлар туйнугининг энини қуйидаги ўлчамларда белгилаш лозим:

қувурларнинг узунлиги 30 m гача бўлганида - 1,0 m;

қувурларнинг узунлиги 15 m гача бўлганида - 0,75 m;

туташма йўлларда – 0,5 m.

Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар ва кўчаларда, суғориладиган ҳудудлардаги, шаҳарча ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги ҳамда II ва ундан паст тоифадаги йўллардаги сунъий сув оқарларга қуриладиган қувурларнинг узунлиги 15 m гача бўлганида улар туйнугининг энини 0,5 m ўлчамда белгилаш мумкин.

Бундан ташқари, тез оқар сувлар қувури учун эса нишаблик 10 ‰ ва юқори бўлганда кириш ва чиқиш қисмида тўсиқлар қўйишни белгилаш мумкин.

Ички хўжалик автомобиль йўлларида (ШНҚ 2.05.11 га кўра) қувурларнинг туйнугини уларнинг узунлиги 10 m ва ундан кам бўлганида 0,5 m ўлчамда қабул қилишга рухсат этилади.

Қувурлар ва кичик кўприкларнинг тешикларини уларнинг ичидан пиёдалар ва подалар ўтадиган, керак бўлганда эса ичидан паст ҳамда кичик энли қишлоқ хўжалиги машиналарининг ҳаракатланиши мақсадида катталаштириб қабул қилишга рухсат этилади.

17. Сув ўтказувчи қувурлар босимсиз режимда ишлайдиган қилиб лойиҳаланади. Умумий тармоқдаги темир йўл ва йўлларда жойлашадиган қувурларни фақат катта миқдорли сувни ўтказишга мўлжаллаган ҳолда ярим ва тўла босимли режимда ишлайдиган этиб қабул қилиш керак.

Қувур ичидаги сувнинг оқиш тезлиги ўзаннинг кирадиган жойидаги сув тезлигидан 1,2-1,5 баробар катта бўладиган этиб қабул қилиниши лозим.

18. Сув ўтказувчи қувурлар кириш ва чиқиш каллаклари билан биргаликда лойиҳаланиши керак. Уларнинг шакли ва ўлчамлари ҳисоблашлар орқали тупроқ кўтарманинг мустаҳкамлигини таъминлайдиган бўлиши лозим.

Металл қувурлар каллакларсиз лойиҳаланиши мумкин. Бундай шароитда қирқилмайдиган қувурнинг тупроқ кўтармадан камида 0,2 m, қирқиладиган қувурнинг кесими эса тупроқ кўтарма танасидан камида 0,5 m га чиқиб туриши керак.

19. Муз ва қор қатламлари бўлаклари оқадиган ҳолларда ҳамда сел ўтиш имкони бор жойларда қувурларни ишлатиш мумкин эмас.

Музлар йиғилиб ва яхлаб тиқилиб қолиши мумкин бўладиган жойларда (эни камида 3 m, баландлиги камида 2 m) тўғри бурчакли темир-бетон қувурлар ишлатилиши мумкин.

Сел оқимлари ва муз сувларини ўтказиш учун туйнугининг эни камида 4 m дан кам бўлмаган битта оралиқли кўприклар ёки сел туширгичлар мўлжалланиши керак. Кўприк ости габарити ҳисоблаш орқали ва мазкур ШНҚнинг 23-банди бўйича қабул қилинади.

20. Лойиҳа ҳужжатларида кўприклар ва қувурларнинг элементларини ва қисмларини ҳамда тупроқ кўтармаларини қураётганда, ифлосликлар йиғилиб қолишидан, шунингдек зарарли таъсирларидан ҳимоя этувчи чора-тадбирлар мўлжалланиши зарур.

21. Янги лойиҳаланаётган кўприкларда ёнма-ён жойлашадиган бош фермалар (тўсинлар) нинг ораларидаги масофа уларни кўришга, жорий сақлашга ва конструкциянинг айрим қисмларини бўяшга имкон берадиган этиб белгиланади. Ҳар бир йўналиш учун алоҳида қуриладиган оралиқ қурилмалар (ҳар бир темир йўл ёки ҳар бир йўналиш қатнови учун, шунингдек ёнма-ён турадиган бош ферма (тўсин)лар) орасидаги соф масофани энг камида 1,0 m этиб белгилаш керак.

22. Балластли кичик темир йўл кўприкларини капитал таъмирлашнинг лойиҳа ечимларида темир йўлни юқорига кўтариш имкони таъминланиши керак.

## 6-БОБ. ГАБАРИТ ЎЛЧАМЛАР

23. Лойиҳаланаётган иншоот конструкциясининг яқинлашув габарит ўлчамлари қуйидаги ҳужжатларнинг талабларига жавоб бериши керак:

темир йўлларда – ГОСТ 9238 га;

метрополитен йўлларида – ГОСТ 23961 га;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари ва хўжалик автомобиль йўлларида – мазкур ШНҚнинг 2-иловасига.

Агарда йўл тармоғини келажакдаги режасида ёки йўл техник топшириғида, уни юқори техник тоифага ўтказиш белгиланган бўлса, лойиҳаланаётган иншоотлар конструкцияларининг габаритлари ва уларнинг юк кўтариш қобилиятлари ҳам юқори тоифадаги йўллар учун мўлжалланган иншоотларга қўйиладиган талабларга жавоб берадиган тоифада қабул этилиши керак.

24. Пиёдалар кўприклари ва ер ости йўлларининг энини пиёдалар ҳаракатининг келажакдаги энг кўп бўладиган вақтидаги ҳисобий миқдорини эътиборга олган ҳолда аниқлаш керак ва уни кўприклар учун камида 2,25 m, ер ости йўллари учун эса камида 3,0 m ўлчамда қабул қилиш зарур.

Пиёдалар ер ости йўлларининг соф баландлиги камида 2,30 m бўлиши керак.

Пиёдалар кўприклари ва ер ости йўлларининг 1 m энининг 1 соатдаги ўртача ҳисобий ўтказиш қобилиятини 2000 та, зиналари учун 1500 та одам деб қабул қилиш керак.

Аҳоли пунктларидан ташқарида қуриладиган пиёдалар кўприклари ва тоннелларининг энини 1,5 m этиб қабул қилишга рухсат этилади.

Дала йўлларини ва подаларни (ёввойи ҳайвонлар ҳаракатлари) ўтказишга мўлжалланган иншоотларнинг габаритларини махсус талаблар йўқ бўлган ҳолларда қуйидагича қабул қилиш керак:

дала йўллари учун: баландлиги камида 4,5 m, эни 6,0 m (аммо бу йўлда ҳаракатланиш мумкин бўлган қишлоқ хўжалиги машиналарининг максимал энидан 1,0 m га катталаштирилган қийматдан кам бўлмаслиги керак);

подани ўтказиш учун: баландлиги камида 3,0 m, эни 2+λ/6 формуласи бўйича белгиланган ўлчамда (бу ерда λ– пода тўдаси узунлиги, аммо 4,0 m дан кам ва 8,0 m дан кўп бўлмаслиги керак).

Кўприк тагидан ёки тупроқ кўтармаси тагидаги қувур ичидан ўтказиладиган дала йўли ёки пода ўтказадиган йўл – унинг бутун эни бўйлаб кучайтирилган бўлиши керак. Бундай кучайтирилган жой иншоотнинг иккита томонига эни 10,0 m дан кам бўлмаган масофада бажарилиши керак. Талаб қилинадиган ҳолларда иншоот олдида йўналтирувчи тўсиқлар ҳам ўрнатилган бўлиши керак.

25. Кўприкнинг айрим элементларининг сувлар сатҳидан қанча баландликда жойлашиш кераклиги қуйидаги 2-жадвалдаги кўрсатилган миқдорлардан кам бўлмаслиги керак.

**2-жадвал.**

| Кўприкнинг қисми ёки элементи | Қисмлар ёки элементларнинг юқори жойлашиш масофаси, m, да | | | |
|---|---|---|---|---|
| | (тўлқин ва сув кўтарилишларини ҳисобга олган ҳолда) сув тошқинларининг максимал миқдори бўлган ҳолдаги сув сатҳидан юқорида | | | энг юқори муз оқимининг сатҳидан |
| | кўприклар учун ҳисобий қийматлар | | энг каттала-рининг | |
| | умумий тармоқдаги темир йўлларда | темир йўлларни бошқа турларида ва барча автомобиль йўлларида | | |
| Оралиқ қурилманинг пастки нуқтаси: | | | | |
| а) а) тиралган сувнинг чуқурлиги 1 m ва ундан кам | 0,50 | 0,50 | 0,25 | - |
| б) юқоридаги шароитда лекин 1 m дан катта | 0,75 | 0,50 | 0,25 | 0,75 |
| в) в) дарёда музлар тиқилиб қолиш ҳоли бўлганида | 1,00 | 0,75 | 0,75 | 1,00 |
| д)сел оқими бўлганида | - | 1,00 | 1,00 | |

| Кўприкнинг қисми ёки элементи | Қисмлар ёки элементларнинг юқори жойлашиш масофаси, m, да | | | |
|---|---|---|---|---|
| | (тўлқин ва сув кўтарилишларини ҳисобга олган ҳолда) сув тошқинларининг максимал миқдори бўлган ҳолдаги сув сатҳидан юқорида | | | энг юқори муз оқимининг сатҳидан |
| | кўприклар учун ҳисобий қийматлар | | энг каттала-рининг | |
| | умумий тармоқдаги темир йўлларда | темир йўлларни бошқа турларида ва барча автомобиль йўлларида | | |
| Таянчлар ўрнатиладиган майдонча усти | 0,25 | 0,25 | - | 0,50 |
| Арка ва гумбаз тавонларининг пасти | 0,25 | - | - | 0,25 |
| Ёғоч кўприклар конструкциялари чиқиб турадиган элементларининг ва бўйлама қистирмаларининг пасти | 0,25 | 0,25 | - | 0,75 |

***Изоҳлар:***

*кичкина кўприкларнинг оралиқ пастки қисмининг сув устидан камида қанча масофада жойлашиш кераклиги шамол таъсиридан тўлқин кўтарилиш баландлигини эътиборга олмасдан ҳам белгилаш мумкин;*

*сувлар сатҳининг баланд кўтарилишига сабабчи бўладиган ҳодисалар (паст томондаги дарёлардаги, кўллар ва сув омборларидаги сувларнинг кўтарилишидан, музлар ва бошқа нарсалар тиқилиб сувга тўсиқ бўлиши оқибатидан, музлаган ўзаннинг устини тошқин сувлар босиб кетишидан ва б.) юз берадиган ҳолларда ушбу жадвалда кўрсатилган кўтарилиш масофасини ана шу сатҳдан бошлаб ўлчаш керак. Унинг сатҳдан ошиб кетиш эҳтимоллиги мазкур ШНҚнинг 3-жадвалига асосан белгиланади.*

*таянчлар жойлашадиган майдонча юзасининг кўтарилиш баландлиги сув қисмининг кўприк таянчига урилишидан ўзгарадиган сатҳини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак.*

Сув омборларининг кема сузмайдиган ҳамда ёғочлар оқтирилмайдиган жойларидаги кўприкларининг оралиқ қурилмалари тагининг сув омборининг юқори статик сатҳидан баландлиги ҳисобий 0,75 m шамол тўлқини баландлигини 0,25 m га оширгандаги қийматидан кам бўлмаслиги керак.

26. Ҳисобий тошқин ўтганида ва максимал сув миқдори бўлганида ҳамда босимсиз режимда ишлайдиган қувурнинг хоҳлаган кесимидаги сув сатҳи билан унинг энг баланд жойи ички юзасининг орасидаги соф масофа баландлиги 3,0 m гача бўлган думалоқ ва гумбазли қувурларда баландлигининг 1/4 қисмидан, 3,0 m дан катталарида 0,75 m дан кам бўлмасликлари, шунингдек баландлиги 3,0 m гача бўлган тўғри бурчакли кесимли қувурлар учун баландлигининг 1/6 қисмидан, 3,0 m дан катталарида эса 0,5 m дан кам бўлмасликлари керак.

Суғориладиган ҳудудлардаги автомобиль йўлларидаги сунъий сув оқар қувурларида кўрсатилган кўтарилишлар қуйидагича:

баландлиги 1,0 m гача бўлган қувурлар учун 0,1 m дан кам бўлмаган;

баландлиги 1,0 дан 3,0 m гача бўлган қувурлар учун баландлигининг 1/10 қисмидан кам бўлмаган;

мазкур ШНҚнинг 16-бандида назарда тутилган кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади.

## 7-БОБ. КЎПРИКЛАР ВА ҚУВУРЛАРНИ СУВ ОҚИМИНИНГ ТАЪСИРИГА ҲИСОБЛАШНИНГ УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАРИ

27. Кўприклар ва қувурларнинг сув тегадиган тупроқ кўтармаларини сув оқиминингтаъсирига ҳисоблашни ҳисобий тошқинларни ўлчайдиган график ва гидрографга кўра бажариш керак.

Бундан ташқари, умумий тармоқдаги темир йўллардаги кўприклар ва қувурлар ва сув ушлаб турадиган тупроқ кўтармалар шартли равишда энг катта деб номланадиган сув ўлчовчи графиклар ҳамда гидрографларга кўра ҳисобланиши керак.

Бу ҳолда энг катта ва ҳисобий тошқинларнинг ошиш эҳтимоллигини мавжуд тошқинларнинг максимал миқдорининг ошиш эҳтимолликлари билан қуйидаги 3-жадвалда кўрсатилган қийматлар билан баробар қилиб олиниши керак.

**3-жадвал**

| Темир йўллар | | | | Автомобиль йўллари, шаҳар кўчалари ва йўллари | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Иншоотлар | Йўл тоифаси | Сув тошқинларининг максимал миқдорлари сарфидан ошиб кетиш эҳтимоллиги, % да | | Иншоот-лар | Йўллар тоифаси | Сув тошқинлари-нинг максимал миқдорлари сарфидан ошиб кетиш эҳтимоллиги, % да |
| | | ҳисобий-ники | энг каттала-риники | | | |
| Кўприклар ва қувурлар | I ва II (умумий тармоқнинг) | 1 | 0,33 | Катта ва ўртача кўприклар | I–III, I-в, I-к, II-к, шаҳар кўчалари ва йўллари | 1*** |
| Айнан ўзи | III ва IV (умумий тармоқнинг) | 2 | 1* | Айнан ўзи | IV, V, I-с, II-с, II-в, III-в, IV-в, III-к, IV-к | 2*** |
| Айнан ўзи | IV ва V (кириб келиш йўллари) | 2** | - | Кичик кўприклар ва қувурлар | I | 1**** |
| Айнан ўзи | Саноат корхоналарининг ички йўллари | 2 | - | Айнан ўзи | II, III, I-в, I-к, II-к, шаҳар кўчалари ва йўллари | 2**** |
| | | | | Айнан ўзи | IV, V, II-в, III-в,IV-в, III-к,IV-к, | 3**** |

***Изоҳлар:***

**III тоифали темир йўллар учун тупроқ кўтарманинг, ўзгарувчан ўзанли дарёларни тўсиб турувчи дамбанинг ва сув босиб кетмайдиган оқимни йўналтирувчи иншоотларнинг қошини ҳисоблашда энг катта тошқин бўлганда максимал сув сарфининг ошиш эҳтимоллигини 0,33 фоиз деб қабул қилиш керак;*

***корхонанинг технологик сабабларига кўра ҳаракатга танаффус рухсат этилмайдиган бўлса, ошиш эҳтимоллигини 1 фоиз деб қабул қилиш лозим;*

****автомобиль йўллари тармоғи кам ривож топган ҳудудларда ўта муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга иншоотлар учун техник-иқтисодий асосланганда ошиш эҳтимоллигини 1 фоиз ўрнига 0,33, шунингдек 2 фоиз ўрнига эса 1 фоиз деб қабул қилиш мумкин;*

*****автомобиль йўллари тармоғи яхши ривож топган ҳудудларда техник-иқтисодий асосланган ҳолларда кичик автомобиль йўлларидаги кичик кўприклари ва қувурлари учун ошиш эҳтимоллигини 1 фоиз ўрнига 2 фоиз ҳамда 2 фоиз ўрнига 3 фоиз, шунингдек II ва III тоифали йўллардаги қувурлар учун 10 фоиз деб қабул қилиш мумкин;*

*қурилиш бўладиган ҳудуддаги автомобиль йўллари тармоғининг ривожи ва қуриладиган иншоотнинг халқ хўжалиги учун зарурлик тоифаси ишлаб чиқиладиган техник топшириқда белгиланган бўлади;*

*маҳаллий ҳудудларда бўлмаган йўллар таснифи ШНҚ 2.05.02 бўйича, маҳаллий ҳудудларда бўлган йўл ва кўчаларда ШНҚ 2.07.01 бўйича ва қишлоқ хўжалиги йўлларида ШНК 2.05.11 бўйича қабул қилинади.*

Капитал турда бўлмаган сув омборларнинг яқинига жойлашадиган сув ўтказувчи иншоотларни лойиҳалаётганда плотиналарнинг бузилиб кетиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак. Бундай плотиналарни кучайтириш ёки иншоот туйнугини катталаштириш масаласини, мумкин бўладиган ечимларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини биргаликда таққослаган ҳолда ечиш керак.

28. Ҳисоблашларда ошиш эҳтимоллигининг берилган қиймати иншоот ишига энг ноқулай шароит туғдиришга сабабчи бўладиган тошқин турларининг максимал сув сарфи миқдори қабул қилиниши керак.

Сув ўлчовчи графиклар ва гидрографларни қуриш ҚМҚ 2.01.14 талабларига асосан бажарилиши керак. Ҳисобий сув сарфини аниқлаш учун қор, муз ва ёмғир сувларини энг катта сарфлари миқдорини, тоғли ҳудудларда эса сувнинг аралаш энг катта сарфи миқдорини ҳам билиш керак. Ҳисобланган сувнинг максимал сарфи миқдорларини солиштирилиши орқали ҳисобий сув сарфини энг катта қиймати аниқланади. Қор, муз ва ёмғир сувларини энг катта сарфлари миқдорини ҳисоблаш П-01-03, МКН 28 га асосан бажарилади.

29. Кичик кўприклар ва қувурлар туйнукларининг ўлчамларини сув оқимларининг ўртача тезлигига кўра аниқлаш мумкин (бунда мазкур ШНҚ нинг 25, 26 ва 36-бандларида келтирилган талабларга риоя этиш керак).

Шунингдек, иншоотнинг олдига йиғиладиган сувнинг миқдорини инобатга олган ҳолда белгилаш мумкин.

Агар туйнук ўлчами жала сувларига асосан белгиланган бўлса, иншоотдаги сув миқдорининг сингиш оқибатини ҳисобга олингандаги камайиши 3 баробардан ошмайдиган қилиб, шунингдек йил давридаги ўртача оқимлар учун музлаш ҳамда туйнук ўлчамини камайтирувчи бошқа ҳодисалар йўқ бўлса 2 баробар этиб қабул этиш мумкин бўлади.

Бундай ҳолларда йиғилиб келадиган ҳисобий сув оқимларининг турларидан қатъий назар сув сингиш шароитидаги уларнинг ишлаш шароитига кўра қувурлар учун мазкур ШНҚнинг 16 ёки 26-бандларидаги кўрсатмалар, кичик кўприклар учун эса конструкцияларининг жойлашиш ҳолатига бўлган мазкур ШНҚ нинг 25-бандидаги талаблар бажарилиши шарт.

30. Катта ва ўрта кўприкларнинг соф туйнугининг ўлчамларини сув йиғилиб келиши, оқимни йўналтирувчи иншоотлар, таянчлар ҳамда конуслар олдидаги умумий ва жойлардаги ювилишларини ҳисобга олиб аниқлаш керак.

Кўприк соф туйнугининг ўлчами ўзаннинг ўзгармас эни ўлчамидан кам бўлмаслиги керак. Шаҳар кўприклари туйнугининг ўлчамлари дарё қирғоқларини тўғрилашлар ва ободонлаштириб текислашлар талабларига жавоб берадиган этиб белгиланади.

31. Кўприк тагидаги умумий ювилишни ҳисоблаш мазкур ШНҚнинг 27-бандида кўрсатилган сув тошқини пайтларидаги кўприк кечуви олдида ўзан қисмидаги йиғиндиларнинг баланс тенгламасини ечиш асосида бажарилиши керак.

Агар ҳисобий (энг катта) миқдордагидан кам миқдордаги сув тошқинларининг ўтиши ўзаннинг кўприк тагидаги қисмида қайта тикланмайдиган ўзгаришларга сабабчи бўлса оқимни 2 баробардан кўпроқ сиқиштирган шароитда мумкин бўладиган умумий ювилишни бир нечта тошқинлар аҳволларини жойда кузатгандаги ҳисобий (энг катта) тошқиннинг ўтиш шароитига кўра бажариш керак.

Дастлабки ҳисоблашлар учун сув оқарнинг шароити тўғрисидаги керакли маълумотлар бўлмаганда умумий ювилишни сув оқимининг тезлигига кўра аниқлаш мумкин.

Бунда ҳисоблаб аниқланган умумий ювилишнинг максимал чуқурлигини 15 фоизга ошириш керак.

32. Энг катта ювилишлар чегарасини қураётганда умумий ювилишдан ташқари таянчлар олдида маҳаллий ювилишларни, оқимни йўналтириб турадиган иншоотнинг ва кўприк кечуви элементларининг таъсирини ҳисобга олиш зарур.

Кўприкларни сейсмик кучлар таъсирига ҳисоблашларини ўзаннинг таянч олдидаги маҳаллий ювилишларини ҳисобга олмасдан бажариш керак.

33. Кўприк тагидаги умумий ювилиш коэффициентининг қийматини техник-иқтисодий ҳисоблашлар билан асослаш керак. (Бунда, ўзан грунтларининг турларини, кўприк таянчининг пойдеворлари конструкциясини ва уларнинг жойлашиш чуқурликларини, кўприкни оралиқларга ажратилишини, тиргакнинг ўлчамини, ўзаннинг мумкин бўладиган кенгайишларини, ҳисобга олиш зарур, ювилиш коэффициентининг қийматини 2 дан кам бўлмаган қилиб қабул қилиш керак).

34. Кўприк туйнугининг ўзан қисмидаги грунтларни қирқиб олишни фақат текисликдаги дарёларда бажариш мумкин.

Қирқиб олинадиган жойнинг шакли ва ўлчамлари саёз жойларнинг сув билан тўлиш тезлигига боғлик ҳолда унинг сурилиб кетмаслигига қараб ҳамда юқори баландликдаги сувнинг сатҳидаги кўприк кечуви таъсиридан сув оқимининг сиқилиш даражасига кўра аниқланиши керак. Ўзандаги кичкина шаклдаги ҳар хил ғадир-будир чуқурчаларни кесиш кўприк тагидаги ҳақиқий кесим юзасини ҳисоблашда эътиборга олинмайди.

35. Кўприк тагидаги грунтларни қирқиш натижасида кенгайган жойларни қулай ҳолатда кўприкдаги кесимига кириб келишларини таъминлаш мақсадида, ўзаннинг кенгайтирилмаган қисмлари билан силлиқ этиб бирлаштириш керак. Қирқиб олинадиган жойнинг (кечувнинг бўйлама ўқидан юқори ва пастки томонларидаги) узунлиги унинг кўприк тагидаги энидан 4-6 баробар катта бўлиши керак.

Кўприк атрофида оқимни йўналтирувчи иншоотнинг қирқим шакли ўзгармаслигига эътибор бериш керак. Дарё ўзанидаги грунтни кесишни лойиҳалаётганда аллювиал ва боғланмас грунтларни ўша жойлардан тўлиқ олиб ташлашни белгилаш лозим.

36. Катта ва ўртача кўприкларга бирлаштирувчи йўл пойи чегарасининг сув тошқинлари пайтида ундан юқори жойлашиш масофасини мазкур ШНҚнинг 27-бандига кўра (сувларнинг тиралиб кўтарилиш мумкинлиги ва тўлқинларнинг қияликка келиб урилишларини ҳисобга олган ҳолда) тупроқ кўтармалар, сувларни ажратувчи ва тўсиқ бўлиб турадиган плотиналар ҳамда ўзгарувчан ўзанли дарёлардаги оқимларни йўналтирувчи иншоотлари учун камида 0,5 m, йўналтирувчи ва кўтарма бермалари учун камида 0,25 m бўлиши керак.

Кичик кўприклар ва қувурларга бирлаштирувчи йўл пойи чегарасини мазкур ШНҚнинг 27-бандига кўра тошқин пайтлардаги сув сатҳларидан баландлиги (сув тиралиши ва шимилишларини ҳам ҳисобга олган ҳолда) камида 0,5 m, босимли ва ярим босимли режимда ишлайдиган қувурлар учун 1,0 m дан кам бўлмаслиги керак.

Булардан ташқари кўрсатилган иншоотларга автомобиль йўлларида тупроқ кўтармаларининг қошлари ШНҚ 2.05.02 кўрсатмасига асосан йўл конструкцияси товонининг грунт ва юза сувлар сатҳи талаб қилинган даражада юқори жойлашиш шартларига риоя этиш керак.

Кўприк кечувларидаги сув тиралишлари суюқликларнинг ҳаракат тенгламасига кўра ёки ушбу ҳодисанинг лойиҳаланувчи ва мавжуд кечувларда етарли даражада ҳисобга олувчи шартларига кўра ҳисобланади.

## 8-БОБ. КЎПРИКЛАР ВА ҚУВУРЛАРНИНГ ЗАМИНЛАРИ ВА ЮКЛАМАЛАРИНИ КЎТАРАДИГАН КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ КУЧЛАР ТАЪСИРИГА ҲИСОБЛАШ БЎЙИЧА УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР

37. Кўприкли иншоотлар ва қувурлар уларнинг бутун фойдаланиш давридаги ишлашига бўлган ҳақиқий шароитларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши зарур (юклар ва таъсирлар, грунтлар, материалларнинг ўзгарувчанлиги ҳамда конструкциянинг геометрик характеристикалари ва б.).

Кўприклар ва қувурларнинг асослари ва юк кўтарадиган конструкцияларини доимий таъсир этувчи юклар ва мазкур ШНҚнинг 16-бобида кўрсатилган вақтинчалик таъсир этувчи юкларнинг ноқулай вазият туғдирувчи бирикмаларига ҳисоблаш зарур. Ҳисоблашларни ГОСТ 27751 нинг талабларида кўрсатилган чегаравий ҳолатларга кўра бажариш керак.

38. Мазкур ШНҚда келтирилган автомобиль ва темир йўлларнинг (транспорт воситаларининг) қўзғалувчи (ҳаракатланувчи) таркибидан тушадиган вақтинчилик юкламаларнинг қийматларига ҳисоблашларда ўзларига тегишли динамик коэффициентлари киритилади.

Иншоотга иккита ёки ундан кўпроқ вақтинчалик юклар таъсирини биргаликда ҳисобга олган ҳолларда, у юкларнинг ҳисобий қийматларини бир баробар ёки ундан кам бўлган қўшма коэффициентига кўпайтириб қабул қилинади.

39. Ҳисобий схемалар ва ҳисоблашнинг асослари кўприклар ва қувурлар конструкцияларини қуриш ва фойдаланиш давридаги ҳақиқий ишлаш шароитини ифодалашлари керак. Кўприкли иншоотларни лойиҳалашда экстремал табиий ва техноген таъсирлари эҳтимоли туфайли битта ёки бир қанча элементларни кетма-кет ишдан чиқишини олдини олувчи конструктив чизмалар мўлжалланиши зарур.

Кўприклар оралиқ қурилмаларининг конструкцияларини фазовий тизим деб ҳисоблаш керак (уларни шартли равишда текис тизимларга ажратган ҳолларда амалий лойиҳалашда ишлаб чиқилган ва элементларнинг ўзаро ва асос билан биргаликда ишлашларини ҳисобга олувчи тахминий услубларда бажарилади).

Кўприклар ва қувурлар конструкцияларининг ҳисобий схемаларини ва ҳисоблаш услубларини танлаш саноқли усуллар ва Шахсий электрон ҳисоблаш машинасидан фойдаланган ҳолда бажариладиган бўлиши лозим.

40. Иншоотларни қуриш ва фойдаланиш даврларидаги ҳолатларига ҳисоблаётганда конструкция элементларидаги кучланишларнинг (деформацияларнинг) қийматлари, уларни тайёрлаш, ташиш ва йиғиш шароитларидаги аниқланадиган кучланишларнинг (деформацияларнинг) қийматлари кўприк ва қувурларнинг тегишли конструкцияларини лойиҳалаш нормаларида кўрсатилган ҳисобий қаршилик (чегаравий деформациялар) қийматларидан ошмаслиги керак.

41. Ҳисобий минимал ҳарорат деб ДҚН 2.04-01 (СНиП 23-01*) талабларига кўра ташқаридаги энг совуқ беш кунликдаги ҳавонинг ҳароратини қабул қилиш керак, шунингдек у ҳолдаги таъминланганлик:

0,92 - бетон ва темирбетон конструкциялар учун;

0,98 - пўлат конструкциялар ва пўлат темирбетон конструкцияларнинг пўлатдан қилинган қисмлари учун деб қабул қилинади.

▶ 5-бет

◀ 4-бет

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг
2022 йил 15 июндаги 109-сон буйруғига
ИЛОВА

# ШНҚ 2.05.03-22 "КЎПРИКЛАР ВА ҚУВУРЛАР" ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

42. Конструкциянинг ағдарилиб кетмасликка чидамлилигини қуйидаги формулага кўра ҳисоблаш керак:

$$M_u = \leq \frac{m}{\gamma_n} M_z, \quad (1)$$

бу ерда $M_u$– конструкциянинг чеккадаги таянч нуқтаси орқали ўтадиган мумкин бўлган айланиш (ағдарилиш) ўқига нисбатан ағдарувчи кучларнинг моменти;

$M_z$– ўша ўққа нисбатан ушлаб турувчи кучлар моменти;

$m$ – ишлаш шароити коэффициенти, унинг қийматларини қуйидагиларга баробар деб қабул қилинади:

Алоҳида таянчларга таяниб турган конструкцияларини текшираётганда:

қурилаётган даврда – 0,95;

доимий фойдаланилаётган даврда – 1,0;

Бетон конструкциялар ва пойдеворларнинг қисмларини текшираётганда:

қоя тошли асосларда – 0,9 га;

қоя тош бўлмаган жойларда – 0,8 га;

$\gamma_n$ – тайинланишига кўра ишончлилик коэффициенти доимий фойдаланиш даврига ҳисоблашларда 1,1, қуриш босқичи даврига ҳисоблашларда эса 1,0 коэффициенти деб қабул қилинади.

Ағдарувчи кучларни бирдан катта қийматдаги юкка нисбатан ишончлилик коэффициенти билан қабул қилиш керак.

Ушлаб турувчи кучларни доимий юклар учун $\gamma f \leq 1$ қийматда қабул қилиш лозим.

Темир йўлда бўш кетаётган таркибдан, метрополитен ва трамвайдан тушадиган вақтинчалик тик йўналишдаги ҳаракатланувчи юкламалар учун $\gamma f = 1$ коэффициенти қабул қилинади.

Тегишли шароитларда мазкур ШНҚ нинг 645-бандининг кўрсатмасига биноан тупроқ таркибидаги сув таъсири оқибатида конструкция оғирлигининг камайишини ҳисобга олиш зарур.

43. Конструкциянинг силжишга (сирпанишга) қарши чидамлилиги қуйидаги формула билан ҳисобланиши керак:

$$Q_r = \leq \frac{m}{\gamma_n} Q_z, \quad (2)$$

бу ерда, $Q_r$ – силжитувчи куч, у барча силжитувчи кучларнинг мумкин бўлган силжишининг йўналиши проекцияларнинг йиғиндиси;

$Q_z$ – ушлаб турувчи куч, у барча ушлаб турувчи кучларнинг мумкин бўлган сурилишнинг йўналиши проекцияларининг йиғиндиси;

$m$ – ишлаш шароити коэффициенти 0,9 га баробар деб қабул қилинади;

$\gamma_n$ – мазкур ШНҚнинг 42-бандига қаранг.

Сурувчи кучларнинг юкка кўра ишончлилик коэффициенти қийматини бирдан катта қилиб, шунингдек ушлаб турувчи кучларни юкка кўра ишончлилик коэффициент қиймати эса мазкур ШНҚнинг 42-бандида кўрсатилгандек қабул қилинади.

Изоҳлар: грунт таъсирида бўладиган ётиқ йўналишидаги ушлаб турувчи куч сифатида қиймати грунтнинг фаол босимидан ошмайдиган кучга қабул этиш мумкин.

Асосдаги ишқаланиш кучи мазкур ШНҚнинг 653-бандида кўрсатилган ишқаланиш коэффициентларига кўра аниқланади. Бу ерда терилган бетон бўйлаб ишқаланиш коэффициентини 0,55 га тенг деб қабул қилиш керак.

## 9-БОБ. КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ КЎЧИШЛАРИ, ДЕФОРМАЦИЯЛАРИ, БЎЙЛАМА ПРОФИЛИ

44. Кўприклар учун оралиқ қурилмаларнинг ҳаракатланувчи вақтинчалик юклар таъсиридан ҳосил бўладиган эластик эгилишларини чеклаш йўли билан унинг устидан транспорт воситаларининг равон ҳаракатларини ва ўтиш қисми бўйлама қирқимининг унга мос шаклини таъминлаш керак.

45. Оралиқ қурилмаларининг вақтинчалик юкнинг таъсиридан ($\gamma f = 1$ ва динамик коэффициент 1+μ=1 ни) ҳисоблаб топилгандаги вертикал эгилишлари (m да) қуйидаги қийматлардан ошмасликлари керак:

темир йўл кўприклари учун ушбу формула билан топилган $l/(800-1,25\ l)$ аммо $l/600$ дан кўп эмас;

автомобиль йўллари, шаҳар кўприклари (хўжалик ичидаги ва саноат корхоналари йўлларидаги кўприклар учун ҳам) ва пиёдалар кўприклари учун $l/600$ дан бу ерда $l$ - оралиқнинг ҳисобий узунлиги (m).

Тўсин туркумидаги оралиқ қурилмали кўприклар учун (пиёдалар кўприкларидан ташқари) эгилишлари қуйидаги кўрсатилган миқдорлардан кўпайтириб қабул қилиш мумкин:

битта оралиқли ва узлуксиз оралиқ қурилмалар учун – 20 фоизга (темир йўл кўприкларининг оралиқ таянчларга таяниб турган қурилмаларнинг чеккадаги оралиқдагилари бундан мустасно);

ёғочлилар учун – 50 фоизгача;

Пўлат ва пўлат темир-бетон оралиқ қурилмаларининг вақтинчалик юклардан ҳосил бўлган вертикал эластик кўчишлари ҳисобий оралиқнинг 1/600 дан ошмаслиги зарур.

46. Кўприклар оралиқ қурилмаларининг рельс йўлига ўтиш қисмининг қопламасига зарур бўладиган шаклни лойиҳалаш жараёнида:

оралиқ қурилманинг қурилиш баландлиги, балласт қатлами ва ўтиш қисмининг текисловчи қатлами қалинликларининг ўзгаришлари ҳамда кўприк брусларининг ишчи баландликлари ҳисобларига яратиш керак.

Тўсин туркумидаги темир йўл кўприкларининг ҳамда пўлат, темир-бетон ва ёғочдан қилинадиган автомобиль ва шаҳар кўприкларининг оралиқ қурилмаларининг қурилиш баландлигини силлиқ эгри этиб белгилаш керак. Бу эгриликнинг кўтарилиш ўқи миқдори доимий таъсир кўрсатувчи юклардан бўладиган деформацияни ҳисобга олгандан кейинги вақтинчалик вертикал юкдан *($\gamma f = 1$ ва 1+μ=1)* ҳосил бўладиган эластик эгилиши миқдорининг 40 фоизига баробар бўлиши керак .

Пиёдалар кўприкларининг оралиқ қурилмаларига доимий таъсир этувчи юклардан бўладиган деформацияни бартараф қилувчи қурилиш баландлигини белгилаш лозим. Бу ҳолда юкка кўра ишончлилик коэффициенти бирга тенг деб қабул қилинади.

Изоҳ: доимий ва ҳаракатланувчи вақтинчалик вертикал юклардан бўладиган эгилиш 1/1600 дан ошмайдиган оралиқ қурилмаларда (кўндаланг темир йўл кўприкларда 1,5 cm дан кўп бўлмаган) ва тўсинли ёғоч кўприкларда қурилиш баландлигини мўлжалламаслик мумкин.

47. Автомобиль ва шаҳар кўприкларининг темир-бетон оралиқ қурилмалари қопламаларининг профилига бериладиган шакл ва қурилиш баландлигини шундай белгилаш керакки, бунда бетоннинг оқиши ва чўкишидан (лекин доимий юклар таъсир этган вақт икки йилдан ошмаган бўлиши керак) ҳосил бўлган деформациядан кейинги ҳаракат йўлакларининг бўйлама ўқи профили ҳамда оралиқ қурилмаларнинг ўзаро ва йўл билан бирлашган жойларидаги синиш бурчаги миқдори қуйидагилардан:

кўприкда ҳаракатланувчи вақтинчалик вертикал юк бўлмаган ҳолларда мазкур ШНҚнинг 4-жадвалидаги келтирилган қийматлардан ошмаслиги керак;

кўприкда ҳаракатланувчи вақтинчилик вертикал юкларни ҳаракат йўлаклари ўқлари бўйлаб жойланганда:

АК юкларда:

К =11 бўлганда 24‰; К=14 бўлганда 22 ‰;

НК ва НГ юкларида:

НК-80 ва НГ-60 бўлганда 13 ‰;

НК-100 ва НГ- 60 бўлганда 11 ‰.

Лойиҳа ҳужжатларида қатнов қисми қопламасини қуриб бўлган вақтдаги (ўтиш қисмининг профили шаклини текисловчи қатлам қалинлигини ўзгартириш ҳисобига яхшилаш мўлжали билан) бетоннинг оқиши ва чўкишидан юз берган деформациялардан кейинги ўтиш жойининг бўйлама профили кўрсатилган бўлиши керак.

Изоҳлар: узоқ муддатларда бўладиган деформациялар сезилмагунга қадар ҳамда кўприкда ҳаракатланувчи вақтинчалик тик йўналишдаги юклар йўқ бўлганида бўйлама профилнинг синиш бурчаги мазкур ШНҚнинг 4-жадвалидаги қийматлардан катта бўлиши мумкин.

Вантли ва осма оралиқ қурилмаларга эшилган пўлат арқонларни ишлатилган ҳолларда қурилиш кўтарилишини ва ўтиш жойи профилининг шаклини белгилаётганда, арқонларнинг оғишидан деформация мумкин бўлишлигини ҳисобга олиш зарур.

**4-жадвал**

| Ёлғиз енгил автомобиллар ҳаракатининг йўлнинг кўприкка келиб бирлашадиган қисмидаги ҳисобий тезликлари (ШНҚ 2.05.02, ҚМҚ 2.05.11ларнинг талабларига кўра), km/соат | Синиш бурчаги % да |
|---|---|
| 150-100 | 8 |
| 80 | 9 |
| 70 | 11 |
| 60 | 13 |
| 40 | 17 |

*Изоҳлар:агар оралиқ қурилмаларнинг бўйлама йўналишда ўзаро бирлашадиган ёки йўл билан уланадиган жойларининг орасидаги масофалар 50 m дан катта бўлса, синиш бурчагининг чеклаш қийматлари 1,2 баробарга кўпайтирилиши мумкин.*

*Ўтиш қисмининг плиталари орқали боғланган, шунингдек ҳарорат чоклари бўлмаган оралиқ қурилмалари профилининг синиш бурчагини бирлаштирувчи плитанинг таъсирини ҳисобга олмасдан аниқлаш керак.*

48. Ташқи статик ноаниқ тизимдаги оралиқ қурилмаларни лойиҳалаётганда, ҳисоблашларда таянч юқори қисмининг мумкин бўлган чўкиш ва силжишларини ҳисобга олиш керак. Таянч юқори қисмининг бўйлама ва кўндаланг силжишларини конструкцияларни ҳамда фермадаги плиталарнинг (таянч каллакларининг, ригелларнинг) ўлчамларини белгилаётганда ҳисобга олиш керак.

49. Қўшни таянчларнинг ҳар хил миқдордаги чўкишлари оқибатидаги бўйлама профилдаги қўшимча юз берадиган синиш бурчагининг қийматлари:

автомобиль ва шаҳар кўприклари учун 2 ‰ дан;

темир йўл кўприклари учун 1 ‰ дан ошмаслиги керак.

Узлукли тўсин туркумидаги оралиқ қурилмали темир йўл кўприкларининг таянчлари тепаси юзасининг умумий ювилишни ҳисобга олган ҳолдаги бўйлама ва кўндаланг кучларининг чегаравий қийматлари, $0,5\sqrt{l_o}$ cm, қийматдан ошмаслиги керак (бу ерда $l_o$ таянчга бирлашиб турадиган оралиқлар кичкинасининг узунлиги. Узунлик 25 m дан кам бўлмаслиги керак).

50. Темир йўл кўприкларининг узлукли металл ва пўлат темир-бетон оралиқ қурилмаларининг кўндаланг ётиқ тебранишларининг ҳисобий даврийлиги (секундда) 0,01l ва 1,5 секунддан ошмаслиги керак ( l – оралиқ қиймат, m).

Шаҳар ва пиёдалар кўприклари оралиқ қурилмаларидаги тебранишларининг ҳисобий даврийлиги (юкланмаган ҳолатдаги) иккита паст шаклга кўра (узлукли тўсиқ туркумларида битта паст шаклга кўра) тик текислик йўналишида 0,45 дан 0,60 s гача, ётиқ текислик йўналишида 0,9 дан 1,2 s гача этиб белгиланади. Пиёдалар кўприкларининг оралиқ қурилмаларини бу ҳолда 0,49 кPa (50 kgk/m2) қийматдаги юк ҳосил қиладиган пиёдалар билан юклаш мумкинлигини ҳисобга олиш керак.

Оралиқ қурилмаларни ўрнатиш ёки бўйлама силжитиш услубида жойлаётганда, уларнинг тик ва ётиқ текисликларининг учларида ҳосил бўладиган кўндаланг тебранишларнинг даврийлиги 3,0 s дан, буровчи тебранишларни даврийлиги 2,0 s дан ошмасликлари керак. Бу кўрсатмаларни тегишли ҳисоблашлар ёки йиғилаётган консолнинг фазовий бикрлигини ва устиворлигини баҳолаш бўйича махсус аэродинамик текширишлар ўтказилганида ўзгартириш мумкин. Бу ҳолда мазкур ШНҚнинг 26-бандида кўрсатилган конструкцияни шамол таъсирига ҳисоблаш талабларини бажариш шарт.

Осма ва вантли кўприкларни ҳамда оралиқ қурилмаси баландлигининг унинг узунлигига нисбати 1/40 дан кам бўлган эгилувчан тўсинли катта узунликдаги кўприкларни аэродинамик устиворликка ва фазовий бурилишга текшириш керак.

Қурилган кўприкларнинг динамик кўрсаткичларидан катта фарқ қилувчи конструкциялар учун аналитик ҳисоблашлардан ташқари моделларда уларнинг устидан тегишли текширишлар ўтказиш керак.

51. Қувурларнинг устидаги тупроқ кўтарманинг баландлиги 12 m дан катта бўлганида, грунт оғирлигидан кутиладиган чўкишни ҳисобга олиб уларнинг қурилиш баландлиги белгиланади. Қувурларнинг чўкишини ҳисоблаётганда пойдеворларининг чўкишини ҳисоблашдаги услубдан фойдаланиш мумкин.

Баландлиги 12 m ва ундан кам бўлган тупроқ кўтармаларнинг тагидаги қувурларни қурилиш баландлиги:

1/80h –қумли, шағалли ва тош аралашган грунтли заминдаги пойдеворлари бўлганида;

1/50h - лой, супесь ва қумлоқ грунтли заминдаги пойдеворли бўлганида;

1/40h - қумли-шағалли, қумли майда тошли аралашмалардан қилинган грунтли тўшамаларда ётқизилганда қурилиш кўтарилиши (лотокка нисбатан) миқдорини сақлаган ҳолда жойлаштириш керак (бу ерда h -тупроқ кўтарма баландлиги).

Қувурнинг кириш каллагининг (ёки кирадиган томондаги звеносининг) лотогини жойлашиш баландлиги, унинг ўртадаги звеносининг чўкиш бўлганга қадар ва чўкиш тўхтагандан кейинги жойлашиш баландлигидан юқори қилиб белгилаш керак.

Сув ўтказувчи қувурнинг пойдеворлари ва бўйлама ўқи йўналишидаги звеноларининг қия томонлари, тупроқ кўтармалари ҳамда асосларининг мустаҳкамлиги таъминланиши керак.

Изоҳ. қувурлар қоятошли грунтларда ва қозиқоёқли пойдеворларда қурилганда, унга қурилиш кўтарилиши татбиқ этилмайди.

## 10-БОБ. ТЕМИР ЙЎЛ КЎПРИКЛАРИДАГИ УСТҚУРИЛМА ИЗЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ

52. Темир-бетон оралиқ қурилмалардаги темир йўлни чақиқтош балластларда ётқизиш керак. Металл оралиқ қурилмаларининг кўприк полотноси балластсиз темир-бетон плиталарга ёки балластларга ўрнатилиши лозим.

Кўприкларда (Р50 турдагидан ва кўприк қўшилган жойдаги рельслардан енгил бўлмаган) оғир турдаги рельсларни ётқизиш керак. Катта кўприкларда ҳамда очилиб ёпиладиган оралиқли кўприкларда ва ушбу иншоотларга келиб уланадаган жойларга иккита томонига энг камида 200 m гача масофага Р65 туридан енгил бўлмаган рельслар ётқизилиши лозим.

Умумий узунлиги 66 m ва ундан кам бўлган оралиқ қурилмаларида узлуксиз темир йўлларни полотноси балластли ва балластсиз кўприкларда ўрнатилиши мумкин.

Умумий узунлиги 66 m дан катта бўлган оралиқ қурилмаларида узлуксиз темир йўлларни полотноси балластсиз кўприкларда асосланган ҳолларда ўрнатилиши мумкин.

53. Кўприк полотносининг конструкцияси қуйидагиларни таъминлаши керак:

ҳаракатланувчи таркиб ғилдираги рельслардан чиқиб кетган ҳолда, унинг хавфсиз юриб туриш имкониятини;

механизация воситаларидан фойдаланган ҳолда йўлни жорий таъмирлаш ва сақлаш имконини.

54. Балластли кўприкларнинг таянчлари ва оралиқ қурилмалари балласт жойлашадиган призмасининг андозавий кўндаланг кесим профилини таъминлаши керак.

55. Кўприк полотносини (ҳимояловчи ускуналарни, тенглаштирувчи асбобларни ёки мавсумий тенглаштирувчи рельсларни ҳам ҳисобга олган ҳолда) амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига асосан лойиҳалаш керак.

56. Темир-бетон плитадаги балластсиз кўприк конструкциясининг эни 3,20 m дан кам бўлмаслиги керак.

57. Кўприк брусларининг (кўндаланг ёғоч тўсинчаларнинг) кўндаланг кесим ўлчамлари 20x24 cm ва узунлиги 3,25 m бўлиб, ГОСТ 8486 талабларига мос келиши керак.

58. Тўла узунлиги 25 m дан катта, шунингдек жойлашган баландлиги 3 m дан кам бўлмаган барча кўприклар ва йўл ўтказгичларда икки томонлама юрса бўладиган пиёдалар йўлаклари бўлиши керак.

Шу билан бирга, баландлиги 1,10 m дан кам бўлмаган, габаритларнинг сиртида жойлашадиган қўл тутгич панжаралари ҳам бўлиши зарур.

Иккита ва кўп йўлли кўприкларда ва йўлларининг ораларида ҳам қўл тутгич панжарасиз пиёдалар йўлаклари бўлиши керак. Пиёдалар йўлакларнинг қопламаларини темир-бетон плитадан лойиҳалаш керак.

59. Кўприкка уланадиган жойдаги йўлларни лойиҳалаётганда, у ерлардан кўприкка йўлнинг силжиб кетмаслигини таъминлаш керак.

Шаҳар ҳудудларида ҳамда ишлаб чиқариш зоналарида кўприклар, йўл ўтказгичлар ва эстакадаларга олиб борувчи йўллар овоз сўндирувчи конструкцияли чоксиз ва овоз ютувчи экранли қилиб лойиҳаланади.

60. Таянчлари устунли пиёдалар кўприклари ва йўл ўтказгичлари тагидан ўтадиган, умумий тармоқдаги темир йўл ва иншоот таянчи чеккасидан темир йўл ўқининг орасидаги масофа 3,0 m дан кам бўлганида, йўл ўтказгич ёки пиёдалар кўпригининг ён қирраларидан икки томонига камида 10 m чиқиб турадиган контрбурчаксимон ускуналар ётқизиш керак.

Саноат корхоналарининг темир йўлларидаги йўл ўтказгичларнинг йўллари радиуси 500 m ва ундан кам эгриликда жойлашганда ғилдирак изи энининг ўзгаришига тўсиқ бўлувчи махсус ускуналар мўлжалланиши керак.

## 11-БОБ. АВТОЙЎЛ ВА ШАҲАР КЎПРИКЛАРИНИНГ ПОЛОТНОСИ

61. Кўприк полотносининг конструкцияси ва параметрлари берилган йўл ёки кўча учун ШНҚ 2.05.02, ШНҚ 2.07.01 ва ШНҚ 2.05.11 ларда белгиланган талабларга жавоб бериши ва пиёдалар ҳамда транспорт воситалари ўтишида қулайлик ҳамда хавфсизликни таъминлаши керак.

Кўприк полотноси конструкцияси механизмлар ёрдамида қоплама қуриш ҳамда жорий сақлаш ишлари учун қулай шароитни (механизация билан ҳаракат полотносини ва пиёдалар йўлакларини ифлосликлар, қор ва ҳ. к.дан тозалашни) таъминлаши керак.

62. Иншоотда трамвай ҳаракати бўлган ҳолларда трамвай йўлларини ажралмас тасма бўйича жойлаштириш керак.

Электр тармоқлари ва ёритгичларнинг таянчларини (пиёдалар йўлакларининг эни 2,25 m ва ундан кам бўлганида) қўл тутгич панжара қаторида жойлаштириш лозим.

Трамвай излари каллаклари автомобиль ўтадиган жойлардан ажратилмаган бўлса, рельсларнинг тепа қисми йўл ўтиш қисмининг тепа сатҳида жойлаштирилиши керак.

Пиёдалар ва шаҳар кўприкларида доимий электр ёритгичлари мўлжалланиши зарур. Бошқа кўприкларда бу турдаги ёритгичларга зарурият ШНҚ 2.05.02 ва СНиП 2.05.07 ларда келтирилган талабларга биноан автомобиль йўлларининг хизматига кўра белгиланади.

63. Ўтиш қисми темир-бетон плитадаги қатнов қисмининг қопламаси қоплама, ҳимояловчи қатлам, тўсгич ва текисловчи қатламларни қамрайдиган кўп қатламли қилиб қабул қилиниши мумкин.

Қопламанинг барча қатламлари ўзаро бирикувчан, шунингдек юқори қатлам қопламаси эса ғадир-будирликка эга бўлиши керак.

64. Темирбетон кўприклар қатнов қисмининг қопламаси қуйидагича бажарилиши мумкин:

кўп қатламли тарзда(текислаш қатлами (керак бўлганда), намтўсгич қатлами, ҳимоя қатлами, асфальт-бетон қоплами);

қопламани материаллари етарли иссиқликка чидамли намтўсгич қатлами устига ётқизиш йўли билан;

икки ёки бир қатламли (асфальт-бетон қоплама ва сувга чидамлилиги юқори бўлган бетондан (ҚМҚ 2.03.11 га кўра сув ўтказмаслик маркаси W8 бўлган) текисловчи қатлам ёки фақат намтўсгич ва қоплама функциясини бажарувчи бетондан текисловчи қатлам йўли билан.

Қатнов қисми қопламасини йўл тоифасига қараб Б, В ва Г – типдаги II маркадан кам бўлмаган ҳамда ГОСТ 9128 бўйича 70 mm дан кам бўлмаган икки қаватли майда донали асфальтбетон қоришмасидан ёки қалинлиги 80 mm дан кам бўлмаган арматураланган цементбетондан қабул қилиш лозим.

Қоплама сув-цемент муносабати 0,42 дан кўп бўлмаган сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги ГОСТ 26633 бўйича В30 дан кам бўлмаган, намўтказмаслик маркаси ГОСТ 12730.5 бўйича W6 дан кам бўлмаган ва ГОСТ 10060 бўйича совуқбардошлилик маркаси F200-300 бўлган майда донали бетондан қурилади.

Намтўсгичнинг ҳимоя қатламининг сув-цемент муносабати 0,42 дан кўп бўлмаган, қалинлиги 40 mm дан кам бўлмаган сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги эса ГОСТ 26633 бўйича В30 дан кам бўлмаган, шунингдек намўтказмаслик маркаси ГОСТ 12730.5 бўйича W6 кам бўлмаган маркада ҳамда ГОСТ 10060 бўйича совуқбардошлилиги эса F200-300 бўлган майда донали бетондан қурилади.

65. Ҳимоя қатлами ГОСТ 23279 бўйича юпқа пайвандланган тўр билан арматураланади. Бунда, арматура тўрини намтўсгич қатлами устига ётқизиш мумкин эмас.

Кўп қатламли қоплама қурилмасининг текисловчи қатламини 30 mm дан кам бўлмаган цемент-қумли қоришмадан ёки асфальт-бетондан қуриш керак.

66. Ҳимояловчи қатламни қуришда ГОСТ 31938 бўйича композит полимерли арматурадан фойдаланиш мумкин.

Пиёдалар ҳаракати бўлмаган турли даражадаги транспорт ечимларида, шунингдек аҳоли пунктларидан ташқарида жойлашган узунлиги 50 m гача бўлган кўприк иншоотларида, пиёдалар йўлаклари ва хизмат кўрсатиш учун ўтиш жойлари белгиланмайди. Бундай ҳолда, хавфсизлик чизиғи кенглигини камайтиришга йўл қўйилмайди.

Қопламанинг кўп қатламли конструкциясида текислаш қатлами камида 30 mm қалинликдаги цемент-қум аралашмасидан Б15 дан паст бўлмаган ҳолда амалга оширилиши керак.

67. Ўтиш қисмининг темир-бетон плитасида олдиндан зўриқтирилган арматура ишлатилмаганда ва текисловчи қатламнинг юқори толасидаги чўзувчи кучланиш ГОСТ 10180 га кўра аниқланган, бетоннинг эгилгандаги чўзилишга бўлган ҳисобий қаршилигидан ошмаган ҳолда оралиқ қурилмаларга намтўсгич қатлам вазифасини бажарувчи махсус ва намликни кам ўтказувчи бетондан қилинган битта ёки иккита қатламли текисловчи ўтиш полотносининг қопламасини ишлатишга йўл қўйилади.

68. I–V тоифадаги йўллардаги оралиқ қурилмаларининг ўтиш полотносининг вақтинчалик қопламаси сифатида қалинлиги 30-50 mm бўлган қум цемент аралашмасидан қилинган текисловчи қатламга йиғма темир-бетон плиталар ишлатиш мумкин. Бу ҳолда асосий оғирликни кўтариб турадиган ўтиш қисми плитаси конструкциясининг сув тегиши мумкин бўладиган чеккаларидаги юзаларини намликдан асраш чораларини кўриш керак.

69. Намтўсгич ва илашувчи-ҳимоя қатламлар учун қурилиш ҳудудларида кўрсатилган температуралар оралиғида ишлаш қобилиятига, керакли мустаҳкамликка, асосга ёпишқоқликка ва иссиққа чидамлиликка эга бўлган мастикали, рулонли ва полимер намтўсгич материаллар ишлатилади.

Намтўсгич материаллар сув, ишқорли, тузли қоришмалар ва микроорганизмлар таъсирига бардош беришга эга бўлишлари керак.

70. Металл плитали ўтиш қисми полотносининг қоплама конструкцияларида қоплама билан металл юзаларининг ишончли жипслашишини ва металл юзаларининг занглмаслигини таъминловчи ишларни амалга ошириш мўлжалланган бўлиши лозим.

Бунда пўлат оралиқ қурилмалари металл плитали ўтиш полотносининг қоплама конструкцияси қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

пўлат оралиқ қурилмаларида пайвандланган ортотроп плитали тўшама – намтўсгич, ҳимоя қатлами ва асфальт-бетон қопламани;

пўлат оралиқ қурилмаларида ўта мустаҳкам болтларда маҳкамланган ортотроп плитали тўшама – қуйма асфальт-бетондан текисловчи қатлам, ҳимоя қатлами ва асфальт-бетон қопламани.

71. Хавфсизлик (ҳимояловчи) ва ажратувчи йўлакларини ҳар хил кўринишдаги материаллардан қилинган қоплама билан ёки ишқаланишга чидамли материаллардан қилинган чизиқли белгилар билан ажратиб қўйиш керак.

72. Кўприкли иншоотларда ҳар иккала томонларида пиёдалар ёки хизмат йўлаклари кўзда тутилиши (вазиятлар, шароитга қараб) ва уларнинг ташқи томонлари 1,10 m баландликдаги қўл тутгич панжаралар билан тўсилган бўлишлари зарур.

Оралиқ қурилмалари иккита бўлакка ажратилиб қурилганида, пиёдалар ва хизмат йўлаклари (йўлнинг бўйлама ўқига нисбатан) ҳар битта оралиқ қурилманинг фақат ташқари томонларида кўзда тутилади.

Пиёдалар йўлаклари пиёдалар ҳаракати жадаллигига ва вазиятлар шароитига қараб кўприк иншоотининг бир ёки икки томонида жойлашиши мумкин. Пиёдалар йўлаклари бир томонда бўлганида, зарур ҳолатда кўприк иншоотининг кўтармаси консолини тагида жойлашган пиёдалар тоннеллари ёки пиёдалар ўтиш йўлаклари орқали бир томондан иккинчи томонга ўтадиган хавфсиз йўлак олдиндан белгиланиши шарт. Шаҳар эстакадаларида, йўл ўтказгичларда ва юк ташиладиган йўллардаги кўприкларда пиёдалар ҳаракати улардан ажратилган ҳолда жойлашганида ва яна пиёдалар сони суткасига 200 та одам ёки ундан кам бўлган автомобиль йўлларидаги кўприк иншоотларида фақат хизмат йўлакчалари кўзда тутилади.

Аҳоли пунктларидан ташқари жойларда кўприк узунлиги 50 m гача бўлганида пиёдалар ҳаракати йўқ ҳолларда хизмат йўлакчаларини қурмаслик тавсия этилади.

Хизмат йўлакларининг эни 0,75 m этиб белгиланади.

Пиёдалар йўлакларининг эни улар ҳаракатининг келажакдаги "энг тиғиз" соатлардаги ҳисобий зичлигига боғлиқ ҳолдаги ҳисоблаш билан белгиланади. 0,75 m эндаги пиёдалар йўлагининг ўтказиш имкониятининг ҳисобий қийматини 1500 та одам/соат деб қабул қилиш керак. Кўп қаторли пиёдалар йўлакларининг энини ҳар битта йўлакнинг ҳар битта қатори энини 0,75 m дан қилиб белгилаш керак. Битта қаторли пиёдалар йўлакларининг энини камида 1,0 m қилиб белгилаш лозим. Шаҳарларда, шаҳарчаларда ва қишлоқ аҳоли пунктларида жойлашган кўприкларда, пиёдалар йўлаклари энини камида 1,50 m этиб қабул қилиш керак.

Конструктив шароитга боғлиқ сабабларга кўра пиёдалар йўлаклари энини 0,75 m га касрсиз бўлинмайдиган миқдорда тайинлаш тегишли техник-иқтисодий асосларга кўра амалга оширилади.

Пиёдалар йўлаги ва ишчилар йўлакчаларида қоида бўйича цементбетон (шаҳар кўприкларида шағалли асфалтбетон) 40 mm дан кам бўлмаган тарзда кўзда тутилиши керак. Шаҳар ҳудуди бўлмаган, овул ва қишлоқлар ҳудудларида кўприк юриш қисми силлиқ бўлган пиёдалар йўлаги блокларида қоплама қўллаш кўзда тутилмайди.

73. Катта тезликдаги йўлларда ва магистрал кўчаларда пиёдалар йўлаклари бир чеккага ажратилган трамвай йўли ҳамда ўтиш қисмининг транспорт воситалари ўтадиган томонидан қуйидаги турлардаги тўсувчи қурилмалар билан ажратилган бўлиши керак:

шаҳарлардаги ва I–III тоифали автомобиль йўлларидаги кўприк иншоотларида баландлиги 0,75 m темирбетон парапетлар билан ёки металл тўсиқлар билан;

I–V тоифадаги автомобиль йўлларидаги, шаҳарча ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги кўприк иншоотларида юқоридаги кўрсатилган турларда фақат баландлиги 0,6 m тўсиқлар билан;

ёғоч кўприкларда баландлиги 0,25 m ғилдиракни қайтарувчи бруслар билан.

Тўсувчи мосламаларининг баландлиги тўсиқнинг ушлаб туриш қобилияти даражасига, йўлнинг тоифасига, ҳаракатланиш бўлакларининг сонига, пиёдалар йўлаклари ва хизмат кўрсатиш ўтиш жойларининг мавжудлиги ва кенглигидан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига, шунингдек йўл белгилари, светофорлар, йўл тўсиқлари ва йўналтирувчи қурилмаларга мувофиқ белгиланади.

Тўсувчи қурилманинг баландлиги деб қопламанинг устки юзасидан тўсиқнинг тепа қиррасигача бўлган масофани қабул қилиш керак.

Саноат корхоналари йўлларидаги кўприк иншоотлари тўсиқларининг баландлиги ҳисобий автомобиль ғилдираги диаметрининг камида 1/2 миқдорида, лекин 0,75 m дан кам бўлмаган қилиб белгиланиши керак.

Кўприкли иншоотларда пиёдалар ва хизмат йўлаклари йўқ бўлган ҳолларда тўсиқлар оралиқ қурилма плитасининг чеккасидан 0,5 m масофада жойлаштирилиши керак ва бундай ҳолларда барча шароитларда қурилиши зарур бўлган перилалар билан бирлаштирилиб қўйилиши мумкин. Белгиланган талабдан четга чиқиш транспорт иншоотининг қўллаб-қувватловчи тузилмаларининг тегишли муҳандислик ҳисоб-китоблари билан асосланиши керак.

Ажратувчи йўлакда тўсиқ жойлаштириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади, агарда:

йўлнинг келиб бирлашадиган жойларидаги ажратувчи йўлакда тўсиқ ўрнатилган бўлса;

ажратувчи йўлакда кўприкнинг элементлари, электр тармоғининг ва ёритгичларнинг таянчлари ва ҳ.к. жойлашган бўлса;

ажратиш йўлагининг конструкцияси унга транспорт воситасининг чиқишига ҳисобланмаган бўлса.

Кўприк иншоотларига йўл бирлашадиган жойларда ҳар иккала томонига иншоотнинг бошидан ва охиридан камида 18 m гача масофага узунасига тўсиқ жойлаштириш керак ва дастлабки 6 m да кўприк иншоотидаги тўсиқ билан битта тўғри чизиқда бўлиши лозим. Кўприк иншоотидаги тўсиқнинг йўл чеккасидаги тўсиққа нисбатан режада бурилиши 1:20 дан ошмаган тангенсда бўлиши керак.

▶ ДАВОМИ КЕЛГУСИ СОНЛАРДА

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

# Учта бино фойдаланишга топширилди




Болтабой МАТҚУРБОНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Хоразм вилояти Кадастр агентлиги ва Давлат кадастрлари палатаси Ҳазорасп, Боғот, Шовот туман бўлимлари ҳамда филиалларининг янги бинолари очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Давлат кадастрлари палатаси раиси Мохир Валиев бошчилигида ўтган маросимда Шовот тумани филиалида ўрнатилган катта монитор орқали онлайн тарзда бирваракайига учта туманда рамзий ленталар кесилди.

Тантанали очилиш маросимида Хоразм вилояти бошқарма бошлиқлари ҳамда вилоят ва туман ҳокимлиги мутасаддилари, Ҳазорасп ҳамда Боғот туман бўлими ва филиаллари очилишида эса туман ҳокимлиги масъуллари, маҳалла нуронийлари ҳамда кадастр ходимлари иштирок этишди.

Замонавий моддий-техник базаси, коммуникация технологиялари билан жиҳозланган янги биноларда мажлислар зали, архив ва маънавият хоналари ҳамда бошқа бўлимлар учун иш хоналари қурилиб, мебеллар ҳамда турли техник воситалар билан таъминланди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

# Касбида таълим муассасалари янгиланди

Шуҳрат НОРМУРОДОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Кейинги йилларда таълим тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилиб, янгидан янги умумтаълим мактаблари орқали уларнинг сифат даражаси янада ошиб бормоқда.**







Хусусан, Касби туманидаги Қорақўнғирот маҳалласида лойиҳа қиймати 4,5 миллиард сўмлик 45-сонли умумтаълим мактабининг янги биноси барпо этилди. Мактабда ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши учун барча шароит яратилган бўлиб, жумладан, хорижий тиллар ва мусиқа фани ўқув хоналари, энг сўнгги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланган информатика кабинети ҳамда замонавий лаборатория хоналари мавжуд.

Шунингдек, тумандаги Хўжақарлиқ маҳалласида ҳам лойиҳа қиймати 4,5 миллиард сўмлик замонавий мактабгача таълим ташкилоти биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Иккала объектнинг тантанали очилиш маросимида туман сектор раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари ҳамда нуронийлар иштирок этишди.

# Қамашида яна бир боғча

**Қамаши туманидаги Қишлиқ маҳалласида илгари болалар боғчаси бўлмаган. Эндиликда 150 ўринга мўлжалланган замонавий кўринишдаги 27-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти ишга туширилди. Бу воқеа қишлоқ болалари ва ота-оналарнинг азалий орзусини рўёбга чиқарди.**



Мазкур таълим ташкилоти қурилиши 5 миллиард 855 миллион сўм маблағ эвазига, "Қашқадарё гранд бунёдкор қурувчи" МЧЖ томонидан амалга оширилди. Масканнинг тантанали очилиш маросимида иштирокчилар янги бинодаги шароитлар билан яқиндан танишдилар.

# Марказ замонавий бинода

**Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қарши туманидаги "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ишга тушиши инсон манфаатлари устуворлигига қаратилаётган юксак эътиборнинг ёрқин намунасидир.**



Замонавий ва кўркам марказ бугунги ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда жиҳозланган. Мазкур марказ ўз фаолияти орқали аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига 26 турдаги, ижтимоий ходимлар томонидан маҳалла даражасида 23 турдаги сифатли хизматларни кўрсатади.

Янги бинода яратилган шароитлар ходимлар иш унумдорлигини ошириш баробарида, туман аҳли учун ҳам қатор қулайликлар яратади. Ушбу бинонинг тантанали очилишига бағишлаб ўтказилган тадбирида вилоят ҳокими Муротжон Азимов, соҳа масъуллари, фахрий нуронийлар иштирок этишди.

# Китоб туманида яна бир ҳуқуқ-тартибот маскани

**Китоб туманининг Пахтаобод маҳалласида ҳуқуқ-тартибот маскани фойдаланишга топширилди.**

Ушбу ҳуқуқ-тартибот масканида профилактика инспектори, суриштирувчи, тезкор ва саф бўлинмалари ходимлари учун алоҳида, замонавий ва қулай хизмат хоналари ажратилган бўлиб, барча зарур шароитлар яратилган.

Мазкур маҳаллада ҳуқуқ тартибот масканининг ташкил этилиши, келгусида ҳудудни жиноятлардан холи ҳудудга айлантиришга қаратилган профилактик ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.




СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

# Дастурлар доирасидаги ишлар давом этмоқда

Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ховос туманининг марказдан олис ҳудуди ҳисобланган Оқчангал маҳалласида "Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла" тамойилларини жорий этиш бошлангандан буён маҳалла инфратузилмаси буткул янгиланди.**



Янада қувонарлиси, яқинда маҳалла аҳолисининг байрам тадбирларини ўтказишга мўлжалланган амфитеатр қурилишига старт берилди. Қарийб 300 квадрат метр майдонни эгаллаган ушбу маскан 200 нафардан ортиқ томошабинни сиғдира олади. Туман ҳокимлигининг қурилиш бўлими тақдим этган маълумотга кўра, амфитеатр бир ҳафта муддатда қуриб битказилиши режалаштирилган.

Бу каби ишлар Гулистон туманидаги Иноқлик маҳалласида ҳам амалга оширилмоқда. Туман ҳокими Ўлмасжон Мамадаминов бошчилигида мутасадди ташкилот раҳбарлари ҳудудда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишишди.

Ушбу маҳаллада туман электр тармоқлари корхонаси томонидан 4 километр ҳаво тармоғи тортиш, 117 дона темир-бетон устун ва 2 дона трансформатор ўрнатиш ишлари режалаштирилган. Ҳозирги кунда 82 донаси ўрнатилди. Уювли қишлоғи Фаробий кўчасининг 700 метр қисмига асфальт, кўча ёнларига бетон ариқлар ётқизилди. Маҳалладаги ҚВП биноси қайтадан реконструкция қилинмоқда. Шунингдек, маҳалла гузари биносини қуриш ишлари ҳам якунланиб, ички ва ташқи фасадларига ишлов берилмоқда.

Мазкур маҳаллада яшовчи аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида, "Гулистон сайқали текстиль" кластери томонидан тикувчилик цехи учун қулай ва шинам бино барпо этилмоқда. Ушбу тикувчилик цехида 50 нафар иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

# ОБОД ГЎШАГА АЙЛАНАЁТГАН ПАНДИГОН

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ, журналист.

**Биз турмушимизни янада обод қилиш вазифасини олдимизга асосий мақсад қилиб қўяр эканмиз, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз зарур. Яъни, ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарти, аввало, маҳаллани, қишлоқни обод қилиш демакдир. Зеро, обод турмуш қалбимиздан бошланади. Инсон ҳамиша яхшиликка, янгиликка, эзгуликка ва гўзалликка интилиб яшайди. Президентимиз ташаббуси билан "Обод хонадон", "Обод кўча" ва "Обод маҳалла" мезонлари жорий этилгани эса бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиққани билан эътиборлидир.**





Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан "Инсон қадри учун" тамойили асосида юртимизда кенг кўламда ислоҳотлар амалга оширилаётганини Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги "Пандигон" МФЙ мисолида кўриш мумкин. Маҳаллада юқоридаги мезонлар жорий этилиб, қисқа вақт ичида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари бунинг исботидир. Мазкур маҳаллага 14,7 миллиард сўмдан ортиқ Республика ва вилоят бюджети маблағлари сарфланиб, ҳудуд инфратузилмаси яхшиланади ва аҳолининг яшаш тарзи ўзгаради. Бунинг учун барча хонадонлар "Пандигон" МФЙ ҳамда тумандаги мутасадди ташкилотларнинг масъул ходимлари томонидан хатловдан ўтказилди. Ана шу жараёнда аниқланган муаммолар бугунги кунда бартараф этилиб, ўзининг ижобий ечимини топмоқда. Эҳтиёжманд оилаларга моддий ва маънавий кўмак берилмоқда. Маҳаллада 715 та хонадон, 1089 та оила бўлиб, унда 4150 нафар аҳоли истиқомат қилади.

– Президентимиз ташаббуси билан жойларда "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла", деб аталаётган бунёдкорлик услублари қисқа фурсатда ўз самарасини бермоқда, – деди туман Нуронийлар кенгаши раиси Турсунхўжа Абдураҳмонов. – Натижада эски бинолар ўрни замонавий иншоотлар билан, тор ва чанг кўчалар кенг, равон асфальт йўллар билан алмашмоқда. Одамлар ўз яшаш жойини обод қилиш учун қўлидан келган кўмакни бериб, кўтаринки кайфият билан ҳашарга чиқмоқда. Муҳими, "Пандигон" МФЙдаги саъй-ҳаракатлар биз, риштонликларни эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, янада жипслаштирди.

Дарҳақиқат, айни кунларда маҳалла ҳудуди катта қурилиш майдонига айланган. Бу эзгу ишга 100 дан зиёд қудратли техника жалб қилинган. Тегишли ташкилот ва корхоналар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режага асосан жорий йилда 14-умумий ўрта таълим мактаби ва ушбу ҳудуддаги оилавий шифокорлик пунктини таъмирлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, маҳалладаги 12,6 километр электр тармоғи модернизация қилиниб, 11,5 километр йўл таъминланади. 7,4 километр ичимлик сув тармоғи тортилиб, 481 та таянч устуни ва 3 та трансформатор ўрнатилади. 2,5 километр пиёдалар йўлаги барпо этилади.

Шунингдек, аҳолини иш билан таъминлаш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида фуқароларга имтиёзли кредитлар, ёшларга субсидиялар ажратилади. Аёлларнинг бандлигини таъминлаш учун янги тикувчилик цехи иш бошлайди.

– Маҳалламизда бўлаётган бунёдкорлик ишларидан барчамиз мамнунмиз, – деди ушбу маҳаллада яшовчи Нодирахон Акбарова. – Бизнинг қишлоқ ҳам шаҳардан қолишмайдиган ҳолатга келтирилишини эшитиб қувондик. Айниқса, биз каби эҳтиёжманд оилаларга берилаётган эътибордан миннатдормиз.

Қурилиш-бунёдкорлик ишларидан ташқари, аҳоли муаммоларини ҳал этиш бўйича ҳам масъул ташкилотлар томонидан белгиланган чора-тадбирлар асосида бир қатор вазифалар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳудуд аҳолисининг саломатлигини янада яхшилаш мақсадида туман тиббиёт бирлашмаси томонидан бепул тиббий кўрик ташкил қилинди. Малакали шифокорлар томонидан ўтказилган мазкур тиббий кўрикда 500 нафардан ортиқ фуқаролар иштирок этишди. Мазкур кўрикнинг ташкил этилиши аҳоли учун ҳар томонлама қулайликларни юзага келтиради. Терапевт, невролог, отоларинголог каби юқори малакали мутахассис шифокорлар етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказишди. Аниқланган хасталиклар бўйича ташхислар қўйилиб, муолажалар белгиланди. Шунингдек, шифокорлар ётиб қолган беморлар хонадонларига ҳам бориб, уларнинг аҳволини кўздан кечирдилар. Жиддий касалликлар бўйича беморларга бепул йўлланмалар ташкил қилинадиган бўлди.

Томорқалардан самарали фойдаланиш, хонадонларни обод қилиш, уй-рўзғор маданиятини ривожлантириш борасида турли тарғибот тадбирларининг ўтказилиши натижасида "Пандигон" МФЙнинг драйвери сифатида кўкатчилик танланди ва 400 дан ортиқ хонадонда кўкат етиштириш бошланди. Маданий-маърифий, интеллектуал мусобақалар пандигонлик ёшларнинг билимини бойитаётган бўлса, уч авлод учрашувлари авлодлар ўртасидаги маънавий риштани янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Пандигон бугунги кунда обод гўшага, кўркам масканга айланиб, намунавий хонадон ва кўчалар сони ортиб бормоқда. Натижада фуқароларнинг гўзал турмуш кечиришга бўлган ишончи юксалиб, келажакка бўлган интилиши кучаймоқда. Ободлик бор жойда, файзу барака, ривожланиш бўлади, деганлари балки шудир.

# Правительство Республики Узбекистан

**получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:**

| Номер контракта | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы (сум без НДС) | Срок строительства (календарных дней) | Залоговое обеспечение в виде банковской гарантии (сум) |
|---|---|---|---|---|
| MOEI-RIDP-AND-W-44 | Улучшение электроснабжения на территории МСГ “Кургонча”, МСГ “Саноат”, МСГ “Чорбог”, МСГ “Гулдиёр” и МСГ “Кайир” Пахтаабадского района | 6 966 858 523 | 120 | 139 337 170 |
| MOEI-RIDP-AND-W-45 | Асфальтирование внутренней дороги V категории на территории МСГ “Тошйули”, МСГ “Шуркакир”, МСГ “Узумзор”, МСГ “Рохат” и МСГ “Янги хаёт” Мархаматского района | 7 264 179 922 | 150 | 145 283 598 |
| MOEI-RIDP-AND-W-46 | Ремонт и строительство новых мостов (водопропускные сооружения) на территории МСГ “Янги хаёт” и МСГ “Рохат” Мархаматского района | 1 047 879 198 | 90 | 20 957 584 |

## ГУП ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИЯ “СЛУЖБА ЕДИНОГО ЗАКАЗЧИКА” ПРИ АНДИЖАНСКОМ ОБЛАСТНОМ ХОКИМИЯТЕ

**приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка” и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.**

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации государственных закупок в сфере строительства по Андижанской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет **340 000** сум.

| | |
|---|---|
| **ГУ Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по Андижанской области**<br>**Адрес:** Андижанская обл., г. Андижан, пр. А. Навои, дом, 30 (1-этаж, 106-кабинет).<br>**Тел./факс:** 74-223-57-05.<br>**E-mail:** andijon.tender@mail.ru | **Получатель:** ГУ Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по Андижанской области<br>**Банковские реквизиты:**<br>р/с: 2021 2000 4036 4994 4001<br>в Андижанском гор. отд. АКБ “InFinBank”<br>**ИНН:** 202 453 348 **МФО:** 01114 |

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме.

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16.00 часов (по ташкентскому времени) 8 января 2024 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

**Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

**Организация для подачи предложений:** ГУ Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по Андижанской области.

**Адрес:** Андижанская обл., г. Андижан, пр. А. Навои, дом, 30 (1-этаж, 106-кабинет).

**Тел./факс:** 74-223-57-05. **E-mail:** andijon.tender@mail.ru

**Ответственный представитель консалтингового центра:** М. Топволдиев.

# Правительство Республики Узбекистан

**получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:**

| Номер пакета | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы | Срок строительства |
|---|---|---|---|
| MOEI-RIDP-DJI-W-69 | Щебневание дорог в МСГ “Турттом” Зааминского района Джизакской области | 648 728 232 сум без НДС | 60 календарных дней |

## ГУП “СЛУЖБА ЕДИНОГО ЗАКАЗЧИКА” ПРИ ДЖИЗАКСКОМ ОБЛАСТНОМ ХОКИМИЯТЕ

**приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка” и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.**

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации тендерных торгов по Джизакской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Сумма для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 2 БРВ.

| | |
|---|---|
| **Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Джизакской области**<br>**Адрес**: г. Джизак, ул. Ш. Рашидова, дом, 1 (здание Главного управления строительства, 1-этаж).<br>**Тел.:** 72-771-64-32.<br>**Факс:** 72-771-64-31.<br>**E-mail:** jiztender@mail.ru | **Получатель:** Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Джизакской области<br>**Банковские реквизиты:**<br>**р/с:** 20210000003757189001<br>Джизакский ф-л АКИБ “Ипотека-банк”<br>ИНН: 202 411 803<br>МФО: 00122 |

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме:

| Номер контракта | Наименование объекта | Залоговое обеспечение |
|---|---|---|
| MOEI-RIDP-DJI-W-69 | Щебневание дорог в МСГ “Турттом” Зааминского района Джизакской области | 12 974 564 сум |

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16.00 (по ташкентскому времени) 10 января 2024 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены. **Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

**Адрес для подачи предложений:**

Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Джизакской области.

**Адрес:** г. Джизак, ул. Ш. Рашидова, дом, 1 (здание Главного управления строительства, 1-этаж).

**Тел.:** 72-771-64-32.

**Факс:** 72-771-64-31.

**E-mail:** jiztender@mail.ru

**Ответственный представитель консалтингового центра:** Шухрат Уралов.

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

**бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!**

**Аукцион савдога “LOMBARD TASHKREDIT” МЧЖнинг 2023 йил 7 декабрдаги 146-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар, Яшнобод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2023 йил 13, 16, 18 ноябрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 1-уй, 115-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 22343 | Серьги 1 пара, о.в. 7,96 гр., ч.в. 5,56 гр., 585 пр. | 2 335 274,80 |
| 2. | 521 | Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 2,60 гр., ч.в. 2,60 гр., 585 пр. | 1 138 679,32 |
| 3. | 861 | Серьги 1 пара, о.в. 1,40 гр., ч.в. 0,88 гр., 585 пр. | 429 281,98 |
| 4. | 1077 | Колье 1 шт., браслет 1 шт., о.в. 22.04 гр., ч.в. 22.04 гр., 585 пр. | 9 755 098,40 |
| 5. | 1217 | Цепь 1 шт. с дефектом, браслет 1 шт. с дефектом, о.в. 4,99 гр., ч.в. 4,99 гр., 585 пр. | 2 037 042,00 |
| 6. | 1384 | Кулон 1 шт., кольца 2 шт., серьги 1 пара, о.в. 6,42 гр., ч.в. 5,70 гр., 585 пр. | 2 704 450,00 |
| 7. | 1561 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт., кольцо 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 8,21 гр., ч.в. 7,90 гр., 585 пр. | 3 143 467,10 |
| 8. | 1832 | Кольцо 1 шт., о.в. 5,89 гр., ч.в. 5,89 гр., 585 пр. | 1 742 162,40 |
| 9. | 1833 | Серьги 1 пара, о.в. 5,41 гр., ч.в. 5,41 гр., 585 пр. | 2 089 885,20 |
| 10. | 1914 | Цепь 1 шт., о.в. 3,79 гр., ч.в. 3,79 гр., 585 пр. | 1 493 460,00 |
| 11. | 2017 | Кольца 3 шт., о.в. 6,32 гр., ч.в. 5,40 гр., 585 пр. | 2 596 380,00 |
| 12. | 2043 | Кольцо 1 шт., браслет 1 шт., о.в. 8,75 гр., ч.в. 8,40 гр., 585 пр. | 2 297 468,48 |
| 13. | 2048 | Серьги 1 пара, о.в. 3,83 гр., ч.в. 3,70 гр., 585 пр. | 1 785 552,00 |
| 14. | 2201 | Цепь 1 шт., кольца с дефектом 2 шт., серьги 1 пара, о.в. 16,12 гр., ч.в. 15,30 гр., 585 пр. | 6 140 529,79 |
| 15. | 2225 | Цепь 1 шт., браслет 1 шт. с дефектом, часы с браслетом 1 шт., о.в. 54.37 гр., ч.в. 47.27 гр., 585 пр. | 21 335 112,00 |
| 16. | 2357 | Браслеты 2 шт., о.в. 44.77 гр., ч.в. 44.43 гр., 585 пр. | 13 595 522,40 |
| 17. | 2379 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,30 гр., ч.в. 2,30 гр., 585 пр. | 827 309,25 |
| 18. | 2528 | Кольца 2 шт., серьги 1 пара, о.в. 14,24 гр., ч.в. 12,40 гр., 585 пр. | 4 437 569,60 |
| 19. | 2564 | Кольца 2 шт. с дефектом, серьги 1 пара, о.в. 11,58 гр., ч.в. 11,10 гр., 585 пр. | 5 335 500,00 |
| 20. | 2614 | Колье 1 шт., кольца 2 шт., о.в. 16,85 гр., ч.в. 16,35 гр., 585 пр. | 7 911 000,00 |
| 21. | 2658 | Браслет с дефектом 1 шт., кольца 3 шт., о.в. 9,87 гр., ч.в. 9,50 гр., 585 пр. кольцо 1 шт., о.в. 2,37 гр., ч.в 2,30 гр., 500 пр. | 5 365 800,00 |
| 22. | 2768 | Часы с дефектом с браслетом 1 шт., о.в. 55.20 гр., ч.в. 40.00 гр., 585 пр. | 16 894 950,00 |
| 23. | 2951 | Кольца 2 шт. с дефектом, серьги 2 пары с дефектом, браслет 1 шт., о.в. 23,12 гр., ч.в. 21,20 гр., 585 пр. | 9 743 854,27 |
| 24. | 2988 | Серьги и кольцо 1 комплект, о.в. 22,00 гр., ч.в. 22,00 гр., 750 | 14 405 704,00 |
| 25. | 3135 | Подвеска 1 шт., браслет 1 шт., кольцо 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 13,38 гр., ч.в. 13,00 гр., 585 пр. | 5 989 026,56 |
| 26. | 3197 | Браслет 1 шт., о.в. 4,55 гр., ч.в. 4,55 гр., 585 пр. | 2 229 750,00 |
| 27. | 3240 | Браслет 3 шт. с дефектом, кольца 2 шт., серьги 2 пары, о.в. 18,51 гр., ч.в. 16,40 гр., 585 пр. | 8 744 250,00 |
| 28. | 3526 | Кольцо 1 шт., о.в. 5,13 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр. | 2 684 250,00 |
| 29. | 3550 | Кольца 2 шт. с дефектом, о.в. 2,39 гр., ч.в. 2,20 гр., 585 пр. | 987 147,00 |
| 30. | 3591 | Кольца 2 шт., цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 14,19 гр., ч.в. 13,19 гр., 585 пр. | 5 310 310,60 |
| 31. | 3700 | Кольца 3 шт., серьги 1 пара, о.в. 13,93 гр., ч.в. 13,46 гр., 585 пр. | 6 093 000,00 |
| 32. | 3721 | Цепь 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 9,49 гр., ч.в. 9,49 гр., 585 пр. | 5 032 500,00 |
| 33. | 3813 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 11,66 гр., ч.в. 9,00 гр., 585 пр. | 4 305 300,00 |
| 34. | 3943 | Кольца 2 шт., о.в. 4,25 гр., ч.в. 3,95 гр., 585 пр. | 2 078 250,00 |
| 35. | 3945 | Кольцо 1 шт., о.в. 6,05 гр., ч.в. 4,55 гр., 585 пр. | 2 381 250,00 |
| 36. | 4083 | Серьги 1 пара, о.в. 1,79 гр., ч.в. 1,79 гр., 750 пр. | 1 199 550,00 |
| 37. | 4124 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,55 гр., ч.в. 1,55 гр., 585 пр. | 669 300,00 |
| 38. | 4384 | Кольцо и серьги 1 комп., о.в. 6,09 гр., ч.в. 5,10 гр., 585 пр. | 2 552 221,18 |
| 39. | 4507 | Цепь 1 шт., браслет 2 шт. с дефектом, серьги 2 пары, кольцо и серьги 1 комп., о.в. 26,73 гр., ч.в. 24,73 гр., 585 пр. | 12 001 500,00 |
| 40. | 4520 | Цепь 1 шт., о.в. 12,44 гр., ч.в. 12,44 гр., 585 пр. | 6 074 589,72 |
| 41. | 4540 | Кольцо 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 5,84 гр., ч.в. 5,84 гр., 585 пр. | 2 835 750,00 |
| 42. | 4608 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт., кольцо 1 шт., кольцо и серьги 1 комп., о.в. 32,13 гр., ч.в. 31,53 гр., 585 пр. | 13 891 816,00 |
| 43. | 4690 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,35 гр., ч.в. 2,20 гр., 585 пр. | 1 093 500,00 |
| 44. | 4744 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,46 гр., ч.в. 2,26 гр., 585 пр. | 1 151 142,72 |
| 45. | 4772 | Серьги 1 пара, о.в. 3,35 гр., ч.в. 3,30 гр., 585 пр.; кольца 2 шт. с дефектом, о.в. 7,91 гр., ч.в. 7,60 гр., 585 пр. | 5 017 350,00 |
| 46. | 4780 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,56 гр., ч.в. 2,20 гр., 585 пр. | 1 245 000,00 |
| 47. | 4827 | Браслет 1 шт., о.в. 2,41 гр., ч.в. 2,41 гр., 585 пр. | 1 396 500,00 |
| 48. | 4839 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,96 гр., ч.в. 2,96 гр., 585 пр. | 1 548 000,00 |
| 49. | 4878 | Цепь 2 шт., кольца 2 шт., о.в. 30,17 гр., ч.в. 29,87 гр., 585 пр. | 15 864 750,00 |
| 50. | 4925 | Кольцо 1 шт., о.в. 7,26 гр., ч.в. 5,70 гр., 585 пр. | 2 608 500,00 |
| 51. | 4945 | Цепь 1 шт. с дефектом, о.в. 4,75 гр., ч.в. 4,75 гр., 585 пр. | 2 154 000,00 |
| 52. | 4946 | Серьги 1 пара, о.в. 4,76 гр., ч.в. 3,36 гр., 585 пр. | 1 017 750,00 |
| 53. | 4951 | Цепь 1 шт., серьги 1 пара, кольцо 1 шт., о.в. 7,91 гр., ч.в. 7,21 гр., 585 пр. | 3 820 500,00 |
| 54. | 4990 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,41 гр., ч.в. 1,41 гр., 585 пр. | 790 500,00 |
| 55. | 5006 | Кольцо 1 шт., кольцо и серьги 1 комп. с дефектом, о.в. 8,25 гр., ч.в. 6,75 гр., 585 пр. | 3 593 250,00 |
| 56. | 5013 | Браслет 1 шт. с дефектом, о.в. 5,13 гр., ч.в. 5,13 гр., 585 пр. | 2 760 000,00 |
| 57. | 5093 | Цепь 1 шт., кольцо и серьги 1 комп., о.в. 14,07 гр., ч.в. 13,77 гр., 585 пр. | 6 699 000,00 |
| 58. | 5095 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 12,42 гр., ч.в. 12,42 гр., 585 пр. | 6 547 500,00 |
| 59. | 5113 | Серьги и кольцо 1 комплект, о.в. 8,31 гр., ч.в. 7,70 гр., 585 пр. | 3 972 000,00 |
| 60. | 5132 | Серьги 1 пара, о.в. 2,68 гр., ч.в. 2,68 гр., 585 пр. | 1 396 500,00 |
| 61. | 5212 | Серьги 1 пара, о.в. 6,88 гр., ч.в. 6,88 гр., 585 пр. | 3 517 500,00 |
| 62. | 5392 | Цепь 1 шт., подвеска 1 шт., браслет 1 шт., кольца 4 шт., серьги 2 пары, серьга без пары 1 шт., о.в. 44,07 гр., ч.в. 42,90 гр., 585 пр. | 22 758 000,00 |
| 63. | 5625 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,31 гр., ч.в. 2,80 гр., 585 пр. | 1 472 250,00 |
| 64. | 5886 | Кольцо 1 шт. с дефектом, серьги 1 пара, о.в. 5,18 гр., ч.в. 3,78 гр., 585 пр. | 2 002 500,00 |
| 65. | 5901 | Браслет 2 шт. с дефектом, серьги 2 пары с дефектом, кольца 2 шт., о.в. 16,50 гр., ч.в. 16,30 гр., 585 пр. | 8 668 500,00 |
| 66. | 5913 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,74 гр., ч.в. 2,40 гр., 585 пр. | 1 320 750,00 |
| 67. | 5973 | Цепь 1 шт., о.в. 13,21 гр., ч.в. 13,21 гр., 500/585 пр. | 7 002 000,00 |
| 68. | 5996 | Браслет с дефектом 1 шт., кольцо 1 шт., о.в. 4,58 гр., ч.в. 4,58 гр., 585 пр. | 2 154 000,00 |
| 69. | 6028 | Цепь 1 шт., кольца 2 шт., о.в. 32.24 гр., ч.в. 29.24 гр., 585 пр. | 15 486 000,00 |
| 70. | 6053 | Серьги 1 пара, о.в. 5,98 гр., ч.в. 5,68 гр., 585 пр. | 3 063 000,00 |
| 71. | 6075 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,99 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. | 1 623 750,00 |
| 72. | 6132 | Серьги 1 пара, о.в. 3,57 гр., ч.в. 3,57 гр., 585 пр. | 1 851 000,00 |
| 73. | 6172 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт., серьги и кольцо 1 шт., серьги 3 пары, кольца 2 шт., о.в. 43,57 гр., ч.в. 42,90 гр., 585 пр. | 22 758 000,00 |
| 74. | 6205 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,44 гр., ч.в. 2,44 гр., 585 пр. | 1 245 000,00 |
| 75. | 6220 | Кольцо 1 шт. с дефектом, серьги 1 пара, о.в. 3,44 гр., ч.в. 3,24 гр., 585 пр. | 1 472 250,00 |
| 76. | 6221 | Кольцо 1 шт., серьги 2 пары, о.в. 11,67 гр., ч.в. 10,70 гр., 585 пр. | 5 714 250,00 |
| 77. | 6320 | Серьги 2 пары, о.в. 3,02 гр., ч.в. 2,20 гр., 585 пр. | 1 093 500,00 |
| 78. | 6385 | Кольцо и серьги 1 комплект, о.в. 6,54 гр., ч.в. 4,70 гр., 585 пр. | 2 532 750,00 |
| 79. | 6489 | Кольцо 1 шт., кольцо и серьги 2 комплекта с дефектом, о.в. 18,33 гр., ч.в. 16,23 гр., 585 пр. | 8 668 500,00 |
| 80. | 6522 | Кольцо 1 шт., о.в. 4,46 гр., ч.в. 4,10 гр., 585 пр. | 2 002 500,00 |
| 81. | 6555 | Кольцо с дефектом 1 шт., цепь с дефектом 1 шт., о.в. 8,18 гр., ч.в. 7,80 гр., 585 пр. | 3 820 500,00 |
| | **Жами бошланғич баҳоси** | | **407 503 056,77** |

Аукцион савдолар **2024 йил 16 январь** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2024 йил 12 январь куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2024 йил 16 январь** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2024 йил 30 январь ва 14 февраль кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати бир иш куни аввал соат 16.00 гача.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ “Давр Банк” Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# ФУТБОЛ – ДАВЛАТ ЭЪТИБОРИДА

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Хабарингиз бор, 2023 йил 3 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Футбол-таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда халқаро стандартларга мос келадиган футбол инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-355-сонли қарори қабул қилинган эди.**



Қарор ижроси борасидаги жараёнлар билан яқиндан танишиш ва маълумот олиш мақсадида Ўзбекистон футбол ассоциацияси мутахассислари билан суҳбатлашдик. Суҳбатимиз асносида қайд этилган қарорнинг нақадар аҳамияти катта эканига яна бир карра амин бўлдик.

– Дарҳақиқат, футбол ривожи учун муҳим ва кутилган қарорлардан бири қабул қилинди, – деди ЎФА бўлим бошлиғи Маъмур Саидқосимов. – Ҳужжат қабул қилиниши билан унинг ижросига қатъий киришилди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон футбол ассоциацияси тизимида футбол-таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш мақсадида Аргентина, Венгрия, Марокаш ва Франциянинг профессионал футболни ривожлантириш бўйича тажрибаси жойига чиқиб ўрганилди. Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманидаги "Г. Т. Хван" МФЙ ҳудудида барпо этилаётган Футбол терма жамоалари тайёргарлик маркази ва унга туташ ҳудудда Миллий футбол маркази ташкил этилмоқда. Яқин вақт ичида ушбу қарор футболимиз янада ўсишига туртки бўлиши шубҳасиз.

Маъмур Саидқосимов таъкидлаганидек, қарор замонавий футбол инфратузилмасини тамоман қайта кўриб чиққан ҳолда ушбу спорт турини жаҳон тажрибасида ривожлантиришни мақсад қилган. Эндиликда мутахассисларни тайёрлаш ва илмий-тадқиқот маркази, Футбол терма жамоалари тайёргарлик маркази, Республика футбол академияси, Спорт тиббиёти ва реабилитация маркази марказлашган ҳолда фаолият кўрсатади.

Шунингдек, қарорга асосан, 2025 йил якунига қадар Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ҳамда маҳаллий бюджетнинг ортириб бажарилган қисми ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан ҳудудий футбол академиялари фаолияти учун зарур бўлган спорт инфратузилмаси яратилиши ҳамда уларни замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш кўзда тутилмоқда. Ҳудудлардаги 14 та футбол академиясида қарорда белгиланган талаб бўйича, яъни 3 та табиий, 1 та сунъий қопламали футбол майдони, мини-футбол, тренажёр ва гимнастика залларини ўз ичига олган 24х60 ўлчамли ёпиқ манеж, 100 ўринли фаоллар зали, 6х15 ўлчамли ихчам сузиш ҳавзаси, 154 ўринли ётоқхона, 8 та ўқув хонаси, спорт тиббиёти ва реабилитация хонаси, 2 та маъмурий хона ва 100 ўринли ошхона қуриш ёки намунавий лойиҳалар асосидан қўшимча барпо этилади.

Қолаверса, мутахассислар 2024 йилнинг 1 июнига қадар алоҳида футболга ихтисослашган телеканал фаолияти йўлга қўйилиши ҳам кун тартибидаги масалалардан бири бўлиб турганини алоҳида таъкидлашди. Аввал бу йўналишдаги телеканал мавжуд бўлмаган, яъни давлат ташаббуси билан бундай телеканал ташкил қилинмаган (хусусий секторда мавжуд эди). Қарорда кўрсатилган ушбу банд барча футбол ихлосмандларининг хурсандчилигига сабаб бўлди, десак янглишмаган бўламиз.

Шунингдек, 2024/2025-ўқув йилидан Тошкент тиббиёт академиясининг Чирчиқ филиалида "спорт шифокори", "спорт диетологи", "спорт фармакологи" билан бирга "спорт психологи" мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланади. Бу, ўз навбатида, юртимизда спорт тиббиёти ривожланишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. 2024 йил 1 мартгача эса республикадаги барча стадион ва футбол майдонларининг ягона электрон реестри ишлаб чиқилади. Футбол структурасида ҳам рақамли бошқарувни кенг тарғиб қилиш, замонавий иш услубларига ўтиш жорий қилинади. Бу эса футболи ривожланган мамлакатлар даражасига қадамба-қадам яқинлаштиради. Олдинда ҳали кўп вазифалар турибди.

Футболимизнинг чинакам фидойилари ушбу муаммоларни босқичма-босқич амалга ошириб боришига ишонамиз. Насиб қилса, футболимиздаги янги ўзгаришлар Биродар Абдураимов, Геннадий Красницкий, Михаил Ан, Миржалол Қосимов, Элдор Шомуродов, Аббосбек Файзуллаев каби янги истеъдодлар етишиб чиқишига замин ҳозирлайди. Футболчиларимиз жаҳон чемпионатларида мунтазам иштирок этадиган кучли терма жамоаларидан бирига айланишига тилакдошмиз. Бунинг учун эса озроқ вақт, чин дилдан меҳнат қилиш, қониқарли шароит керак бўлади.





# Муборак қадамжода бунёдкорлик авжида

**Зиё СИРОЖ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Халқимиз асли бунёдкор. Азал-азалдан энг оғир юмушларни ҳам ҳашар йўли билан осонгина ҳал қилганлар. "Катта Фарғона" канали бунинг ёрқин ифодасидир. Бугунги кунда ҳам жойлардаги айрим бунёдкорлик ишлари маҳалладошларнинг ўзидан ортмаяпти. Масалан, Асака туманидаги "Ҳонақа" МФЙда жойлашган Муҳаммад Сиддиқ Эшон ота зиёратгоҳини олайлик.**

– Муҳаммад Сиддиқ Эшон ота 1680-1760 йилларда мана шу манзилда яшаган, – деди маҳалла оқсоқоли Рустамжон Ҳусаинов. – Ота-боболаримизнинг ҳикоя қилишларича, у киши табиб ва руҳшунос бўлган. Кўплаб инсонларни табиий йўл билан даволаган. У давр фидойиси, халқ қаҳрамони сифатида узоқ йиллар мобайнида қадрланган. Боиси, Ватан ҳимояси, ислом дини тарғиботчиси сифатида ҳам эл-юрт ҳурматини қозонган. Афсуски, айрим сабабларга кўра отанинг қабри қаровсиз қолган пайтлар бўлди. Бу орада маҳалла аҳли ўз кучи билан уч марта таъмирлаш ишларини олиб борди. Ҳозирда ҳам ҳомийлар кўмаги ва ҳашарчилар кучи билан қайта қуриш ишлари олиб борилияпти.

Айтишларича, зиёратгоҳда авваллари мақбара бўлмаган. Эски қабр атрофи тартибга келтирилиб, даврга мос мақбара қурилган. Бироқ, йиллар ўтгани сари унинг оҳори тўкилган. Яқин ўтмишда замондошларимиз томонидан янги мақбаранинг қурилиши зиёратгоҳга ташриф буюрувчиларнинг сонини оширди.

– Мақбара қурилишида маҳаллий ёғоч ўймакорлигидан фойдаландик, – деди ҳунарманд Дониёрбек Қурбонов. – Нақшинкор эшик ва деразалар, пештоқ ва шифт шарқона безаклар билан безатилди. Шунингдек, таҳоратхона, намозхона каби қулайликлар учун янги бино барпо этяпмиз.

Муҳаммад Сиддиқ Эшон ота қабрини барпо этишда қўлланилган ёғочлар орадан шунча вақт ўтган бўлсада, чиримаган. Бунга ўша даврдаги дарахтлар танасининг нечоғли мустаҳкам бўлганлиги сабабдир. Афсуски, бугунги кунга келиб бу каби дарахт турлари мавжуд эмас...

Қолаверса, республикамизнинг турли вилоятларидан меҳмонлар эшон отанинг қабрини зиёрат қилишга келишади. Бу жойнинг тупроғи шифобахш. Айниқса, тери касалликларини даволашда самарали фойдаланиш мумкин.

Зиёратгоҳдаги янгиланишлардан кўнглимиз тўлган паллада, шундоққина ёндош маҳалладаги йўлнинг абгорлигидан дилимиз хуфтон бўлди. Бир йилда юзлаб зиёратчини қарши олиб, кузатаётган йўл таъмирига масъул идоралар эътибор қаратса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, муқаддас жойларга элтувчи йўлларнинг-да амали муқаддас бўлмоғи керак...

# Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

## Декабрь ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Девонхона мудири **Гулшаной Отабоева,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Кўп квартирали уй-жой фондини умумий фойдаланишдаги жойларнинг таъмирланишини назорат қилишни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Мадина Усманова,** "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" DM бош мутахассиси **Беҳзод Муротов,**

Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти бош мутахассислари **Моҳинбону Адашова, Нодир Рихсибоев, Сарварбек Азимов,**

"Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ Инновацион ва тақдимот материаллари лойиҳаларини ишлаб чиқариш бўлим бошлиғи **Набижон Назаров,**

"Ташгипрогор" АЖ 1-сонли архитектура-қурилиш сектори гуруҳ раҳбари **Ольга Сусина,** 2-сонли архитектура-қурилиш сектори 2-тоифали техниги **Шоҳрух Комилов,** 3-сонли архитектура-қурилиш сектори етакчи муҳандиси **Миразиз Муҳамедов,**

"Коммуналлойиҳа илмий-тадқиқот институти" Давлат муассасаси бош мутахассиси **Галина Хмелёва,**

"O'zog'irsanoatloyiha" АЖ механика ва технология сектори раҳбари **Лариса Ступникова,**

Бухоро вилояти, Пешку тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Дилшод Бадалов,** Вобкент тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими етакчи мутахассиси **Шоҳрух Жўраев,**

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси девонхона ва ижро назорат бўлими мутахассиси **Чарос Каримова,** Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими мутахассиси **Шуҳрат Пўлатов,**

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси махсус ишлар ва ходимлар билан ишлаш мутахассиси **Умида Қутлиева,** Хўжалик ишлари мудири **Насриддин Эргашев,** Архитектура режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш бўлими техниги **Раъно Мурадова,**

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси назорат инспектори **Шавкат Тошпўлатов,** Ургут тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Фахриддин Ашуров,**

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси етакчи мутахассиси **Камолбек Талипов,**

"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" DM Сирдарё вилояти филиали иш юритувчиси **Раъно Туляганова,**

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектори **Абдулло Убайдуллоев,**

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳридаги "Big City Life" МЧЖ бош директори **Миразиз Тоиров,** "Раҳим Раҳмон инвест" ХК бош директори **Қосим Тошев,**

Жиззах вилояти, Зарбдор туманидаги "Kuhinur siti SSS" МЧЖ бош директори **Соҳибназар Шодмонқулов,**

Самарқанд вилояти, Нуробод туманидаги "Нур Сифат коммунал хизмати" МЧЖ бош директори **Илҳом Қурбонов,**

Сирдарё вилояти, Оқолтин туманидаги "Обод таъмирлаш қурилиш сервис" МЧЖ бош директори **Наргиза Алиева,**

Тошкент вилояти, Олмалиқ туманидаги "Олмалиқ коммунал сервис" МЧЖ бош директори **Лариса Лемдасова,**

Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги "Happy-wind" МЧЖ бош директори **Нодира Муҳамедова,** "Imrannn" МЧЖ бош директори **Асадуллах Ханкишиев,** Чилонзор туманидаги "MVL Боғзор коммунал" МЧЖ бош директори **Вазген Лусинян**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-1237.
1611 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни – 21.30.
Топширилди – 22.30. 1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони 2023 йил 26 декабрь куни чиқади.